Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 173 (8413). 12 сентябрь, 1984 йил ● ЧОРШАНБА Баҳоси 3 тийин.

ЮБИЛЕЙОЛДИ МУСОБАҚАСИНИ ЯНАДА ҚИЗИТАЙЛИК

ҒЎЗА БАРГИНИ ТЎКТИРИШ ЖАДАЛЛАШТИРИЛМОҚДА

ЎРТА ЧИРЧИҚ районидаги «Северний маяк» колхозининг пахтазорларига чиқарилган машиналар одатдан ташқари дефолиант билан таъминланган. Ўрта Осиё фотопатология илмий-тадқиқот институти СОЮЗНИХИ билан биргаликда яратган бу препарат ғўза баргини юксак самарали тўктиришнинг имконини беради.

Янги препарат анъанавий бутифосдан фарқли ўлароқ, кам заҳарлидир. Анъанавий дефолиантга нисбатан ҳар гектар ерга икки баравар кам шундай препарат талаб қилинади. Бултур тажриба участкаларида ўтказилган экспериментлар бу дорини анча кам сарфлаб, у ғўза баргларини тўктиришни ғоят тезлаштирганлигини кўрсатди, чанглатгич-пуркагичлар биринчи марта ўтганидан кейиноқ ғўза тупларидаги деярли ҳамма баргни тўкиш имконини беради.

(ЎзТАГ мухбири).



● «Иш қуролинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлур» дейишади. Бунга амал қилаётган Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхоз пахтакорлари йиғим-теримда қатнашадиган барча техника воситаларини бар-вақт сифатли ремонтдан чиқариб қўйишган эди. Айни пайтда мавжуд 30 та пахта териш машинаси, 15 та кўрак чувиш агрегати тайёрлик чизиғида турибди. Суратларда: (ўнгда) колхознинг тажрибали ремонтчи-слесари Эркин Маҳмудов. У техникаларни ўз вақтида ремонтдан чиқаришда ҳамкасбларига ўрнак бўлди; (чапда юқорида) колхоз механиги Р. Дусов (ўртада) механизаторлар С. Қолдибоев ҳамда Ҳ. Қўнғиротбоевлар билан агрегатларни кўздан кечирмоқда: пахта териш агрегатлари тайёрлаш чизиғида.

В. ПОРТНОВ фотолари.

ОБЛАСТЬ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ФАҚАТ ЮҚОРИ СОРТГА

● ЎРТА ЧИРЧИҚ. Район пахтакорлари юбилей йилида давлатга фақат юқори сифатли пахта топширишга ҳаракат қилишяпти. Бу биринчи ҳосил топширилган кунданоқ ўзининг самарасини кўрсатди. Хўжаликлардан келтирилган «оқ олтин» юқори сортларга қабул қилинди. Айни кунларда «Северний маяк», Энгельс номли, Терешкова номли колхозларда «оқ олтин» йиғим-теримни уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Сифатли ремонтдан чиқарилган «зангори кема»лар ҳам тайёрлик чизиғида турибди. Бу йил район бўйича 330 «зангори кема» унумли ишлатилиб, етиштирилган ҳосилнинг 80 проценти териб олинади. Ўрта чирчиқликларнинг юбилей хирмоклари 50 минг тоннага етади.

120 КИЛОГРАММДАН

● БЎКА. Карл Маркс номли колхоз деҳқонлари бу йил 1160 гектар ернинг ҳар гектаридан 40 центнердан «оқ олтин» етиштириш учун курашиб, яхши натижаларга эришдилар. Далаларда кўсаклар кун сайин қийғос очилмоқда. Танлаб пахта теришни бошлаб юборган кўпмингкилограммчи чевар теримчилар ўртасида мусобақа тобора қизғин тус олаётир. Бу мусобақада Раъно Пернабоева, Саодат Ҳайитова, Гулдон Ҳасанова сингари колхозчилар олдинда бормоқдалар. Кеча бу азаматларнинг ҳар бири хирмонга ўртача 110-120 килограммдан пахта топширди. Мавсумда кам деганда 6—7 тоннадан пахта териб бериш мажбуриятини олган бу чевар теримчилар сафи кун сайин кенгаймоқда.

Хўжаликда машина теримига тайёргарлик ҳам қизғин бораётир. Дефолиация сифатли ўтказилаётир. Агрегатлар тахт қилиб қўйилди.

90 ПРОЦЕНТИ МАШИНАДА ТЕРИЛАДИ

● КОММУНИСТИК. Ўтган куни район хўжаликлари дастлабки пахта тонналарини қабул пунктларига топширдилар. Умуман районда «оқ олтин» йиғим-теримни кундан-кунга қизиб боряпти. Бунда «Ўзбекистон», «Политотдел», Свердлов номли колхозларнинг заршунослари пешқадамлик қилишяпти. Юбилей йилида она-Ватанга 29 минг тонна пахта етказиб беришга қарор қилган коммунистлик пахтакорлар бу ҳосилнинг 90 процентини «зангори кема»лар ёрдамида йиғиб олишга аҳд қилишган. Айни кунларда барча терим техникалари мавсумга шай бўлиб турибди.

ПЕШҚАДАМЛАР

● БЕКОБОД. Райондаги «Ленинград» совхозида пахта йиғим-теримни чиғакамига авж олиб кетди. Хўжаликда бўлимлар, бригадалар ўртасида ўзаро социалистик мусобақа кенг йўлга қўйилган. Бу мусобақада Райимжон Исмоилов бошқараётган 5-бўлим деҳқонлари пешқадамлик қилишяпти. Бу бўлимда шу кунгача йиллик планнинг 35 проценти миқдорида «оқ олтин» тайёрланди. Коллективнинг Раҳмон Бекназаров, Нормуҳаммад Раҳмонов ўртоқлар бошчилик қилаётган бригадаларида кунига йиллик планнинг 5—6 проценти миқдорида пахта терилмоқда. Совхоз пахтакорлари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик юбилейи шарафига 5 минг тонналик пахта хирмони уйиш мажбуриятини олдилар.

БИР-БИРИДАН ЧАҚҚОН

● ЯНГИЙЎЛ. Район хўжаликларида уруғлик пахта териш кундан-кунга авж оляпти. Бунда «Ленинизм», Х. Турсунқулов номли, Н. Ниёзов номли колхозларнинг чевар теримчилари пешқадамлик қилишяпти. Бу хўжаликларнинг Ҳури Ҳалилова, Тозагул Йўлчиева, Мукаррам Йўлдошева, Дилором Холматова, Дилбар Раҳмонова сингари бири-биридан чаққон теримчилари кунига 100—120 килограммдан дур териб, барчага намуна бўлмоқдалар.

Область мукофоти лауреатлари

ДАСТГОҲЛАР ИЗМИДА

«ПРОМСВЯЗЬ» тажриба заводига киришингиз биланоқ, корхонанинг шу кунлардаги ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи кўргазмали стенд беихтиёр диққатингизни ўзига жалб этади. Заводда барча техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича план ва топшириқларнинг бажарилиши, ишлаб чиқаришнинг умумий ўсиш суръатлари, илғор цех коллективларининг айни пайтларда эришаётган ютуқлари унда акс этган. Стенддан ишлаб чиқариш илғорларининг, пешқадам ишчиларнинг номларини ҳам билиб олиш мумкин. Владимир Звягиннинг номи ҳам ана шундай илғорлар қаторида кўп йиллардан буён тилга олиниб, сурати «Ҳурмат тахтаси»дан тушмай келяпти. Унинг заводда меҳнат қила бошлаганига йигирма уч йил, умумий иш фаолиятининг бошланганига эса ўттиз йилдан ортиқроқ вақт бўлди.

...1941 йили Тошкентдаги ҳунар-техника мактабларидан бирини тамомлаб, тўғри «Ташсельмаш» заводига келган Владимирни қуюв цехига ишга қўйишди.

Улуғ Ватан урушининг даҳшатли садолари кўплаб ўспиринлар қатори Владимирнинг ҳам тинч меҳнат маромига раҳна солди. 1942 йилнинг апрелида ёш ишчи коржомасини ҳарбий кийимга алмаштириб, фронтга отланди. Буюк ғалабани Чехословакиянинг Прага шаҳри остоналаридa кутиб олди. Урушдан сўнг яна қадрдон коллективи бағрига қайтди. Ўша йилларда бу ерда тўрт қаторли сеялка ва пуркагич механизмлари ишлаб чиқариш эндигина йўлга қўйилаётган, уларни тайёрлаш учун Владимир Владимировичга ўхшаган малакали ишчилар заводга зарур эди. Уруш йилларида ўз дастгоҳларини соғиниб, тинч меҳнат қилишни орзу қилган ишчи ниятига эришди. Цехдаги кўплаб малакали ишчилар қатори тажрибаларини янада бойитиб, ишлаб чиқаришда актив фаолият кўрсата бошлади.

60-йилларга келиб Тошкентда «Промсвязь» тажриба заводи ишга туширилди. Бу корхона учун ишчи кучи лозим эди. Кунларнинг бирида сменадан сўнг уйга отланаётган Владимирни йўқлаган цех бошлиғи ҳам айнан шу ҳақда сўз очди.

Бу Владимир Звягинни анча ўйга толдирди. Кўп йиллик меҳнати сингган корхонадан бошқа ерга ўтиб ишлашни хаёлига келтирмаганлиги туфайли шу дамда аниқ бирор гап айта олмасди. Узоқ мулоҳаза қилгач, эрта тонгда ниҳоят бир қарорга келди. «Агар зарур бўлса борганим бўлсин».

Ўша пайтларда «Промсвязь» тажриба заводи унча катта бўлмай, устахонага ўхшаб кетар, унда алоқа кабеллари учун оддий приборлар тайёрланар, телефон, телеграф аппаратлари ремонтдан чиқариларди. Корхона Владимир Владимировичнинг кўз ўнгида йил сайин улғайиб борди. Борабора ундаги ишчи кучи ҳам етарли миқдорга етди, маҳсулот ишлаб чиқаришда муайян натижаларга эришилди. Айниқса ишчиларнинг пневматик асбоб-ускуналар тайёрлаш ва уларни ремонт қилишни ўзлаштиришлари завод шуҳратини анча оширди. Ҳозирги кунга келиб эса бу корхона мамлакатимиздаги пневматик асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришга мослаштирилган йирик корхоналарнинг бирига айланди. Владимир Звягин эса ана шу коллектив ҳурматига сазовор кишилар қаторидан ўрин олди. У фақат ишлаб чиқариш илғоригина эмас, жамоат ишларида ҳам фаол қатнашади. Уч йилдан буён корхона касаба союз комитетининг раисидир. 1975 йили меҳнатда эришган муваффақиятлари учун СССР Алоқа министрлигининг «Социалистик мусобақа илғори» нишони билан мукофотланди. Ўтган 1983 йилда эса алоқа ходимлари область мукофотининг лауреати бўлди.

— Механика-тайёрлов цехининг иш графиги кўп жиҳатдан агрегатларнинг ҳамда машина-механизмларнинг бир маромда ишлашига боғлиқ, — дейди меҳнат ветерани ва ишлаб чиқариш илғори, бригадир С. Гришкевич. — Бунга эришиш учун асбоб-ускуналарнинг «тили»ни яхши биладиган ишчилар бўлиши, ҳамиша уларни техник текширувдан ўтказиб туриши лозим. Биз бундай ишни Владимир Звягининг зиммасига юклаганмиз.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик юбилейи арафасида Владимир Владимирович Звягин катта мақсадларни кўзлаб меҳнат қилмоқда. У топшириқларни зиёдаси билан уддалаб, коллектив ютуқларига баракали ҳисса қўшмоқда.

А. ТИЛОВОВ.

СОВЕТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ БОЛГАРИЯДА

ПЛОВДИВ, 10 сентябрь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари М. С. Горбачев бошчилигидаги Совет партия — ҳукумат делегацияси Болгария социалистик революциясининг 40 йиллиги муносабати билан ўтказилаётган тантаналарда қатнашмоқда. Делегация бугун Болгария меҳнаткашларининг ишлаб чиқариш соҳасидаги муваффақиятлари билан танишди.

Делегация БКП Марказий Комитетининг Бош секретари, БХР Давлат Кенгашининг Раиси Т. Живков билан биргаликда мамлакатнинг энг йирик корхоналаридан бири — Г. Димитров номли қишлоқ хўжалик илмий-ишлаб чиқариш комплексида бўлди. Бу комплексда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, реализация қилиш ва сақлаш масалалари бирга қўшиб ҳал этилмоқда.

Делегациянинг комплекс меҳнаткашлари билан учрашуви совет ва болгар халқларининг қардошларча дўстлиги ва ҳар томонлама ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш шиори остида ўтди.

ИЛҒОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари совети ва область комсомол комитети совхозлар, колхозлар ўртасида гўшт, сут, тухум етиштириш ва давлатга сотишни кўпайтириш юзасидан белгиланган тадбирларнинг муддатидан илгари бажарилиши учун ўтказилаётган социалистик мусобақанинг 1984 йил 1 сентябргача бўлган якунини кўриб чиқдилар.

Область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилди.

Ғалаба районидаги «Победа» колхозига (раиси Пак, партия ташкилотининг секретари Холтурсунов, касаба союз комитетининг раиси Нурбеков, комсомол комитетининг секретари Мелибоев ўртоқлар). Бу колхоз давлатга гўшт сотиш суръатини 19 процент, сут бўйича 15 процент, тухум бўйича 9 процент ўсишни таъминлаган ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш, мол ва паррандалар бош сонини кўпайтириш ва маҳсулдорлигини ошириш бўйича энг юқори кўрсаткичларга эришган.

Байроқ Тошкент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозидан олиб берилади.

Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозига (раиси Абдужамилов, партия комитетининг секретари Соатов, касаба союз комитетининг раиси Толипов, комсомол комитетининг секретари Ҳасанов ўртоқлар). Бу колхоз давлатга гўшт сотиш суръатини 18 процент, сут бўйича 38 процент, тухум бўйича 12 процент ўсишни таъминлаган, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш, мол ва паррандалар бош сонини кўпайтириш ва маҳсулдорлигини оширишда энг юқори кўрсаткичларга эришди.

Байроқ Пискент районидаги Калинин номли колхозидан олиб берилади.

Чиноз районидаги «Чиноз» наслчилик-совхоз техникумига (директори Гусаков, партия комитетининг секретари Ёрматов, касаба союз комитетининг раиси Макаримов, комсомол комитетининг секретари Исаханов ўртоқлар). Бу совхоз давлатга гўшт сотиш суръатини 22 процент, сут бўйича 4 процент, тухум бўйича 63 процент ўсишини таъминлаган ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш, мол ва паррандалар бош сонини кўпайтириш, уларнинг маҳсулдорлигини оширишда юқори кўрсаткичларга эришган.

Байроқ Янгийўл районидаги бройлер паррандачилик фабрикасидан олиб берилади.

1984 йилнинг 8 ойи якуни бўйича районлар давлатга чорвачилик маҳсулотлари топшириш планлари ва ўсиш суръати бўйича юқори кўрсаткичларга эришишни таъминламаганликлари учун ана шу давр якуни бўйича районга область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғини топшириш мақсадга мувофиқ эмас, деб ҳисобласин.

Область план бўлимига Ғалаба районидаги «Победа», Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозларига, Чиноз районидаги «Чиноз» совхоз техникумига социалистик мусобақа илғорларига сотиш учун биттадан енгил автомашина ажратиш топширилди.

БИР-БИРИМИЗНИ ЯХШИ БИЛИБ, ТУШУНИБ ОЛИШИМИЗ КЕРАК

ЛИССАБОН, 10 сентябрь. (ТАСС). «Аванте!» нашриёти КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси К. У. Черненконинг нутқ ва мақолалар китобини босиб чиқарди. Бу китоб билан таништириш Португалия пойтахтида «Аванте!» газетаси байраминнинг шонли воқеаси бўлди. Китоб 1973 йил декабрь ойидан тортиб, 1984 йилнинг июнь ойигача бўлган даврдаги нутқ ва мақолаларни, социалистик интернационал раҳбар арбобларининг 1984 йил 5 апрель мурожаатига берилган жавобни, «Правда» газетасининг 1984 йил 9 апрель ва 1984 йил 14 июндаги саволларига қайтарилган жавобларни, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар олий даражадаги Иқтисодий кенгашининг қатнашчилари шарафига Кремлда ўтказилган қабул маросимида сўзланган нутқ каби яқиндагина сўзланган ғоят муҳим нутқларни ҳамда бошқа программавий материалларни ўз ичига олади.

К. У. Черненконинг португалиялик китобхонларга мурожаат қилиб китобга ёзган сўзбоши Португалия жамоатчилигининг эўр эътиборини ўзига жалб этди. Сўз бошида бундай дейилган:

«Аванте!» нашриётининг бу китобга қисқача сўзбоши ёзиш ҳақидаги илтимосини мамнуният билан бажараман.

Совет кишилари Португалия халқига, унинг ўз озодлиги, мустақиллиги учун, реакция ва фашизмга қарши шонли кураш анъаналарига доим иззат-ҳурмат билан қараб келмоқдалар.

Совет Иттифоқида сизнинг диктаторлик режимини яксон қилган 1974 йилги шонли апрель революциянгизни қизғин табрикладилар. Халқ оммаси жуда бой бўлган буюк кучларни озод қилган бу революция Португалия халқининг қаётида муҳим социал ўзгартишларни амалга ошириш имкониятини вужудга келтирди. Совет кишилари ҳозирги кунда сизнинг мамлакатингизда революцион ғалабаларни сақлаб қолиш учун, меҳнаткашларнинг энг муҳим манфаатлари учун, миллий мустақиллик учун курашаётган кишилар билан доим бардамлик туйғуларини изҳор қилмоқдалар.

СССР билан Португалия ўртасида дипломатия муносабатларининг ўрнатилиши, экономика, маданият, фан масалалари юзасидан битимлар тузилганлиги революциянинг натижаларидан бири бўлди. Ўша вақтда Совет—Португалия ҳамкорлиги кескинликни юмшатиш бўғинларидан бири бўлган эди. Биз ҳозирги кунда ҳам тенг ҳуқуқли, ўзаро манфаатли Совет—Португалия алоқаларини бутун чоралар билан ривожлантиришни, халқларимиз ўртасидаги дўстликни кенгайтириш ва мустаҳкамлашни истаймиз. Биз конструктив ҳамкорлик қилишга тайёрмиз.

Ядро уруши хавфи пайдо бўлганлиги сабабли инсоният ўзининг келажаги учун ташвишланаётган бир вазиятда бундай ҳамкорлик алоҳида аҳамият касб этади. Бундай ташвишланиш учун амалий асос бор — Ғарбий Европада Американинг янги ядро ракеталарини жойлаштириш давом эттирилмоқда, АҚШнинг ядро қуролини жойлаштириш ва ташиш географияси кенгайтирилмоқда, Америка милитаристлари бошқа халқларга қарши душманлик ва агрессив ҳаракатлар учун база сифатида ўзгаларнинг территорияларидан тобора кенг фойдаланмоқдалар.

Аммо маълумки ҳар қандай ҳаракат қарши ҳаракатга дуч келади. Мавжуд ҳарбий — стратегик мувозанатга чек қўйиш мақсадини кўзда тутган АҚШнинг милитаристик, агрессив ҳуружларига жавобан биз мудофаа чораларимизни кўришга мажбур бўлдик. Фашистлар Германияси 1941 йил июнь ойида вақтинчалик устунликдан фойдаланиб хиёнаткорлик билан мамлакатимизга ҳужум қилганлигини халқимиз эсдан чиқаргани йўқ. Иккинчи жаҳон урушида 20 миллион совет киши ҳалок бўлди ва биз ҳар қандай агрессорга яна қурбон беришни истаймиз.

Бизнинг тинчликсеварлик мақсадларимизга келганда шуни айтиш керакки, улар реал заминга асосланади: даҳшатли бомбардимонларни бошидан кечирган, яқин кишилари ва ўртоқларидан жудо бўлган, узоқ уруш йиллари мобайнида муҳтожлик нималигини татиган халқ жаҳон миқёсида можаро чиқариш режаларини туза олмайди. СССРда урушлардан, қуролланиш пойгаси туфайли олинадиган фойдалардан манфаатдор бўлган синфлар ҳам, ижтимоий табақалар ҳам йўқ.

Масъулиятни тўла ҳис этган ҳолда айта оламанки, Совет Иттифоқи барча мураккаб халқаро проблемаларни музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этиш тарафдори бўлиб келмоқда ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолаверади. Музокараларни диққат-эътиборни четга тортадиган найранг деб, жамоатчилик фикрини чалғитадиган бир нарсагина деб билган шахсларга хилоф равишда биз қуролланиш пойгасини тўхтатишга, ядро қуролларини қисқартириб, бутунлай тугатишга олиб борадиган амалий, ҳалол музокаралар тарафдоримиз.

Совет халқи тинчликни қадрлайди. Бунинг боиси шуки, тинчлик гўзал мамлакатимизни янада ривожлантириш юзасидан белгиланган планларни амалга ошириш имконини беради.

Биз жамиятни социалистик асосда қайта қуриш натижалари билан фахрланамиз. Бизда одам одамни эксплуатация қилмайди, социал зулм ҳам, миллий зулм ҳам йўқ. СССРда 50 йилдан кўпроқ вақтдан буён ишсизлик нималигини билмайдилар. Аҳоли бепул медицина хизмати билан таъминланган, саводсизлик тугатилган. Совет Иттифоқи чинакам халқ ҳокимияти мамлакатидир. Бу мамлакатнинг меҳнаткашлари социалистик давлатни бошқармоқдалар, меҳнат коллективи эса жамиятнинг асосий ячейкасидир.

Хуллас, совет кишилари эришган нарсалар капиталистик мамлакатларнинг бирортасида ҳам йўқ. Айни вақтда биз хотиржамликдан йироқ турамиз: ҳали кўп иш қилиш, кўп нарсани такомиллаштириш, яхшилаш керак. Бизнинг партиямиз, ҳукумат, жамоат ташкилотлари, совет халқи бу борада кўп иш қилмоқдалар.

Бизнинг муваффақиятларимиз ва қийинчиликларимизни, ташқи ва ички сиёсатимизнинг асосий проблемаларини сизга тақдим этилган шу китобдан ўқиб билиб оласиз.

Ҳозир жаҳонда одамларнинг бир-бирларини яхши билиб тушуниб олишлари жуда муҳимдир. Шу боисдан китобнинг кейинги саҳифаларида мамлакатимизга нисбатан сизда пайдо бўладиган кўп саволларга жавоб топасиз, бунинг натижасида бизнинг мамлакатимиз сизга яқин ва тушунарли бўлиб қолади, деб умид билдиришни истайман.

Португалиялик китобхонлар, сизга фароғат, тинчлик ва бахт тилайман.

ЙИҒИЛИШДАН ЙИҒИЛИШНИНГ ФАРҚИ БОР

«Узбекхлопкомаш» корхонаси қуйи партия ташкилотларида ҳисобот - сайлов йиғилишлари уюшқоқлик билан ўтаётир. Айниқса, 2-цехдаги пресслаш участкаси ва 4-цехдаги токарлик участкаси партия группаларида бўлиб ўтган йиғилишларда коммунистларнинг активлиги яққол сезилиб турди. Ушбу партгруппа йиғилишларида ҳисобда турувчи коммунистларнинг барчаси иштирок этдилар. Ҳисобот доклади юзасидан бўлган музокараларда ҳар икки кишидан бири сўзга чиқди.

Корхона партия ташкилотларининг ҳисобот йиғилишлари танқид ва ўз-ўзини танқид руҳида ўтаётганлиги билан характерлидир. Яқинда корхона-цех партия ташкилотларининг бирида ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққан коммунистлардан слесарь В. И. Семейкин, контролёр М. Г. Шайдулина ва бошқалар партия ташкилоти фаолиятидаги камчиликларни рўй-рост очиб ташладилар. Ушбу цех партия ташкилоти фаолият кўрсатаётган тажриба механика заводининг муваффақиятли ишлаши корхонанинг план топшириқларини ошириб бажарилишига асосий замин яратади.

Ҳисобот даври давомида цех партия ташкилотининг партия группалари ва жамоат ташкилотларига раҳбарлиги сусайиб кетди. Мажлислар мунтазам ўтказилмади. Планда белгиланган масалалар ўз вақтида кўриб чиқилмади. Ўтказилган партия мажлисларида коммунистларнинг активлиги сезилмади. Ҳисобот-сайлов йиғилишида ҳам кўпгина коммунистлар ўз фикр-мулоҳазаларини очиқ баён этмадилар. Ташкилот ҳисобида турувчи 47 коммунистдан атиги 5 киши музокараларда сўзга чиққанлиги бунинг ёрқин далилидир. Мажлисда иштирок этган бирлашма бош директори С. П. Тетушкин, партком секретари Т. Ф. Крушельницкий ўртоқлар адресига ҳам танқидий мулоҳазалар билдирилди. Партия комитети идеологик ишларни яхши йўлга қўймаётганлиги айтилди.

Корхонанинг 2- ва 9-цех партия ташкилотларининг коммунистлари ўз вазифасига совуққонлик билан қараган цех партия ташкилотларининг секретарлари А. Баккер ва Ш. Байшевалар ўрнига слесарь А. Югай ва электр монтажчи В. Васильевларни сайлашди.

Юқорида келтирилган мисоллар район партия ташкилотларида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорлари асосида коммунистларнинг авангардлиги, ишлаб чиқариш ва коллектив манфаати учун уларнинг масъулият туйғуси, танқид ва ўз-ўзини танқид руҳи ортиб бораётганлигини кўрсатади. Ҳозиргача райондаги 417 партия группасининг 360 тасида, 294 цех партия ташкилотининг 180 тасида ҳисобот-сайловлар бўлиб ўтди.

Айниқса, Тошкент трактор заводи партия комитети ҳисобот-сайлов йиғилишларига пухта тайёргарлик кўрганлиги намоён бўлмоқда. Заводнинг 4-цехи механика участкаси, 7-цехи ремонт бригадаси, 2-цехи гидравлика участкалари партия группалари йиғилишларида коммунистлар юз фоиз иштирок этдилар.

«Главташкентстрой»га қарашли 4-қурилиш трестининг 6-участкаси цех партия ташкилоти йиғилишида сўзга чиққан коммунистлар бетон қоришмалари ва 4-темир-бетон буюмлари ишлаб чиқариш заводи чиқараётган маҳсулотлар сифатини яхшилаш ҳақида гапирдилар.

Аммо ҳамма жойда ҳам ҳисобот-сайлов йиғилишлари талаблар даражасида ўтмаяпти. Жумладан, «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси 3-цехи ҳисобот-сайлов йиғилишида музокараларда ўша-ўша «штатли» нотиқлар гапиришди. Лак-бўёқ заводи 6-цех партия ташкилотининг секретари Ф. Тўхтахўжаевнинг ҳисобот доклади қизғин муҳокама қилинмади. Ушбу йиғилишларда коммунистлар ишлаб чиқаришни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган камчиликларни очиқ-ойдин баён этмадилар. Маъмурият, бошланғич партия ташкилоти ва юқори партия органлари адресига конкрет таклиф ва мулоҳазалар билдирилмади.

Ҳозирги пайтда район партия комитети партия группалари ва цех партия ташкилотларидаги ҳисобот-сайловлар якунларини диққат билан ўрганиб чиқмоқда. Биз танқидий фикрларни умумлаштирар эканмиз, булар асосан меҳнат ва дам олиш шароитини яхшилаш, ишлаб чиқаришга янги техника ва технологияни жорий этиш,турар-жойга оид масалалардан иборат эканлиги аён бўлмоқда. Район партия комитети ушбу танқидий фикрлар ва фойдали мулоҳазаларни жамлаб, уларни амалга ошириш учун конкрет тадбирлар тузиб олади.

Б. ИЎЛДОШЕВ,
Куйбишев район партия комитети ташкилий ишлар бўлими инструктори.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАР

◆ «УЗБЕКСЕЛЬМАШ» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи қўрак чувиш машиналари ишлаб чиқаришни кўпайтирмоқда. Бундай машиналар пахта терими мавсумида қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари учун жуда қўл келади. Ушбу суратда пахтакор хўжаликлар учун жўнатишга тайёрлаб қўйилган кўсак чувиш машиналарини кўриб турибсиз.

М. Нуриддинов фотоси.

ЯНГИ ЭЛЕКТР ИСИТГИЧЛАР

Минсклик олимлар рўзғор ва саноат электрик иситгичларни анча соддалаштириш ва арзонлаштиришни таклиф этдилар. Кўп тарқалган шу қурилмаларнинг спиралларн ва бошқа элементлари ўрнига Белоруссия ССР Фанлар академиясининг умумий ва ноорганик химия институтида ишлаб чиқилган плёнкадан бемалол фойдаланиш мумкин. Уни ТАСС мухбирига институтнинг лабораториясида одатдаги сирли кружкани мисол қилиб кўрсатишди.

Чой ичишдан атиги бир соат аввал кружка одатдагидек эди. Лаборант унинг тубига чўтка билан электр ўтказгич модда юпқа қатламини суртиб чиқди. Сўнгра кружка қуритилди, печда тезгина пиширилиб, электрни ўтказмайдиган сир қопланди ва симлар кавшарланди. Шундай қилиб электр воситасида иситиш прибори тайёр бўлди.

Химиклар бу янгилигининг фазилатлари оз эмас: технологияси содда, фойдали коэффициенти юқори, мавжуд иситгичларга нисбатан унга металл кам кетади, хизмат муддати эса анча узоқ.

— Янги плёнка қоплам қилма-хил иситгичлар ва бошқа приборлардагина қўлланиб қолмайди,— дейди техника фанлари кандидати Г. Мамедова.— Улар ёрдамида болалар боғчаларидаги, чорвачилик биноларидаги полларни иссиқ қилиш мумкин. Ихчам ва енгил иситгич қурилмалар ишлатилиши лозим бўлган ҳамма ерда бундай қопламалар қўл келади. Уларни, масалан, ичдан ёнар моторларга ишланган ҳолда ўрнатиш мумкин. У агар автомобиль бўлса, ҳайдовчи қишда моторни иситишга овора бўлиб юрмайди—керакли температурани сақлаш учун аккумулятор энергияси кифоя қилади.

Бу янгиликка Минск қурилиш ташкилотлари қизиқиб қолди. Улар ишчилар кийим алмаштирадиган жойда плёнкали радиаторлардан фойдаланишга қарор қилдилар.

Минск.

ДЕҲҚОНЛАРГА ШИНАМ УЙ-ЖОЙЛАР

Кейинги йилларда қишлоқларимизда барпо этилаётган уй-жойларнинг ташқи қиёфаси ҳам, ундаги шароитлар ҳам кескин даражада ўзгарди. Уй-жойлар қишлоқ аҳолиси талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқилган ҳолда кичик томорқа, молхона, ем-хашак сақланадиган бостирмалар билан комплекс тарзда қад ростлай бошлади. Айни пайтнинг ўзида чорвачилик комплекслари маданий-маиший бинолар қурилишида ҳам қувончли ўзгаришлар кўзга ташланади. Бу аввало қишлоқ қурилиши масаласига маҳаллий партия ташкилотлари алоҳида эътибор бераётганликлари натижасидир. «Узколхозстрой»нинг Калинин районидаги Тошкент область трестига қарашли 57-колхозлараро механизациялашган қўчма колоннаси бошлиғи АҲАД КОМИЛОВ бу борада коллектив амалга ошираётган ишлар ҳақида қуйидагиларни гапириб берди:

— Қишлоқда капитал қурилишни ривожлантириш, аҳолининг турар-жойларга бўлган талабини тўла қондириш, маданий-маиший объектлар қурилишини тезроқ битказиш орқали меҳнаткашлар учун ҳар томонлама қулай шароитлар яратиб бериш, янги қувватларни муддатида ишга тушириш масаласи партия ва ҳукуматимизнинг доим диққат марказида бўлиб келаётганлиги қувончли ҳолдир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми ҳамда область партия комитетининг IV пленумида қурилишга раҳбарлик бўшаштириб юборилганлиги, капитал маблағлар самарадорлигининг пастлиги, уларнинг сон-саноқсиз майда қурилишларга сочиб юборилиши, иш сифати қониқарсизлиги, объектлар ўз вақтида ишга туширилмаслиги танқид қилинди. Колоннамиз меҳнаткашлари пленум материаллари билан танишиб чиқар эканлар айни шу нуқсонлар колоннамизда ҳам борлигини таъкидладилар. Ўз ишимиздаги камчиликларни тугатиб, қурилишда эндиликда бурилиш ясаш чора-тадбирларини белгиладик ва айни пайтда уларни амалга ошираяпмиз.

Ўн биринчи беш йилликнинг тўртинчи йилидаги бизнинг олдимизда турган вазифалар ўз кўлами жиҳатидан ғоят каттадир. Бу йил колоннамиз коллективи бош пудрат бўйича 3 миллион 927 минг сўмлик иш бажаради, 2 миллион 925 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини ўз кучимиз билан уддаламогимиз лозим. Юбилей йилининг ўзидагина фойдали майдони 1500 квадрат метрлик уй-жойларни, Калинин номли колхозда 140 ўринли болалар боғчасини, 200 бош сигирга мўлжалланган молхонани, «Хасково» совхози территориясида район матлубот жамиятининг буюртмасига биноан қад ростлаётган парҳез ғўшт ва тухум йўналишидаги 100 минг бош ғозга мўлжалланган комплексда 3 та корпусни ва бошқа қатор объектларни фойдаланишга топширишни ўзимизга вазифа қилиб олганмиз. Умумий фойдали майдони 1100 квадрат метрни ташкил этадиган 22 та уй-жойни ҳам қишлоқ деҳқонларига шу йили армуғон қилишимиз зарур.

Колхоз бунёдкорлари орасида ўзаро социалистик мусобақани кенг авж олдириш ҳамда уларни моддий ва маънавий рағбатлантириб бориш натижасида ютуқларни қўлга киритишга муваффақ бўлдик. Ўтган етти ой мобайнида бош пудрат бўйича салкам 2 миллион сўмликдан зиёдроқ қурилиш-монтаж ишларини уддаладик. Шу жумладан, 1 миллион 650 минг сўмликдан ошиқроқ ишни ўз кучимиз билан бажардик. Бу белгиланган планга нисбатан анча кўп демакдир. Шу даврда минг квадрат метрга яқин турар-жойлар, 350 квадрат метрдан кўпроқ кооператив уй-жойларни, фойдаланишга топширдик. Бошқача қилиб айтганда «Москва» колхозида 6 та деҳқон оиласи шинам ва кўркам янги кооператив уйларга кўчиб ўтиб, ҳовли тўйларини нишонладилар. Шунингдек, «Хасково» совхозида 4 та, «Москва» колхозида 1 та ва «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» номли совхозда эса 3 деҳқон оиласи янка тартибдаги буюртмалар асосида қурилган дастлабки коттежларга кўчиб ўтдилар. Шундай қилиб янка тартибда қурилиб фойдаланишга топширилган уй-жойларнинг умумий майдони 780 квадрат метрни ташкил этди.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 60 йиллиги шарафига ҳамма объектларда юбилей олди меҳнат беллашувлари кенг қулоч ёйдирилди. «Хасково» совхозида барпо этилаётган объектнинг қурилиш муддатини 24 одам-кунига қисқартиришга эришдилар ва бунинг учун бир неча минг сўмлик мукофот олдилар. Шунингдек, 18 кишидан иборат тажрибали бинокор Нигмат Йўлдошев раҳбарлик қилаётган хўжалик ҳисобидаги комплекс бригада аъзолари ҳам илғорлардан ортда қолмасликка интилаяптилар.

Қўчқор Тошқораев, Алланазар Холиқов, Жўмарт Хўжакелдиев, Анатолий Иноземцов, Маъмур Аширбоев, Убайдулла Алимов, Зайниддин Аҳмедов, Виктор Фадеев, Тансиқ Бойларов, Бахтиёр Турумбетов сингари моҳир қурувчилар, Турғун Қўзибоев, Эргаш Азаматов, Эрйигит Низомов сингари пешқадам шоферлар ҳам илғорларга эргашиб, коллектив ютуқларига баракали ҳисса қўшмоқдалар.

Қурилишда илғорлар тажрибасини кенг ёйиб, бригада пудратини оммалаштиришимиз меҳнат унумдорлигини ошириш, бинокорлик материалларидан тежаб-тергаб фойдаланиш ва ҳар бир объектнинг ўз муддатида битказилишини таъминлаяпти.

Лекин ўз ўрнида шуни ҳам айтиш керакки, ишга туширилаётган объектларда иш суръатини янада жадаллаштиришга тўсқинлик қилаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Бунга бош сабаб-зарур бинокорлик материалларининг тегишли объектларга ўз вақтида, керакли номенклатура ва тартибда етиб келмаслигидадир. Унинг устига объектларга бизда кичик механизмлардан фойдаланиш масаласи ҳам ҳозирги пайтда талаб даражасида эмас. Натижада оғир меҳнат этадиган жуда кўп юмушлар қўл кучи билан бажарилмоқда. Иш фаолиятимизни янада такомиллаштириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш учун эса кўплаб техника ва механизмлар зарур.

Тўғри, йил сайин белгиланган план ва топшириқларнинг бажарилишини таъминлаяпмиз. Бироқ шунга қарамай қурувчиларимиз ўртасида тартиб ва интизом бўшашиб кетганлиги сезилаётир. Хўш, бунинг сабаби нимада? Энг аввало уни ўрта бўғин кадрларига нисбатан талабчанликни сусайтириб юборганлигимиздан ахтариш керак. Ўз ўрнида кадрларни танлаш ва жойжойига қўйишда баъзи бир хатоликларга йўл қўйганлигимизни тан олишимиз лозим. Чунки ишнинг кўзини биладиган, кўпчиликни орқасидан эргаштира оладиган кишиларни раҳбар лавозимларга кўтариб, уларни мастерликка, бригада ва звеноларга бошлиқ қилиб тайинлаш ҳақида ўз вақтида бош қотириб, дурустроқ ўйлаб кўришимиз керак эди.

Унинг устига ҳамма бригадалар ҳам ўз имкониятлари даражасида ишламаётир. Ана шунинг натижасида ўтган йили колоннамизда битта бригада коллективи белгиланган планнинг бажарилишини барбод қилди. Йил якунида улар уялганларидан барча айбни бинокорлик материаллари таъминотидаги узилишларга тўнкашмоқчи бўлдилар. Аслида эса сабаб умуман бошқа ерда эди.

Яқинда Куйбишев номли колхозидаги 200 бош қорамолга мўлжалланган молхона қурилишида ишлаётган Йўлдош Файзиев етакчилигидаги комплекс бригада бинокорлари ўртасида меҳнат интизомининг ҳаддан ташқари пастлиги, баъзи бир ишчиларнинг ишга кечикиб келишлари ёки умуман ҳафталаб сменага чиқмаётганликлари тўғрисида хабар тондик. Бундай ноҳуш ҳолларнинг олдини олиш мақсадида биз дарҳол махсус комиссия тузиб, текширув ўтказдик. Ҳақиқатан ҳам мана шу ташвишли сигналдаги фактлар тўла тасдиқланди. Хатто бригада етакчисининг ўзи ҳам сабабсиз бир ҳафта давомида ишга чиқмаганлиги аниқланди.

Биз бу фавқулодда ҳодисадан тегишли хулоса чиқариш ниятида бригада аъзолари билан йиғилиш ўтказдик. Унда И. Файзиевнинг ахлоқий масаласи кўриб чиқилди. Йиғилиш қарорига биноан у коллективга раҳбарлик қилиш вазифасидан четлаштирилди.

Калинин номли колхозининг сут-товар фермасида бузоқхона қурилишида полга бетон ётқизиш, деворларини сувоқ қилишдаги иш сифатининг пастлиги, бригадада меҳнат интизоми бўшашиб кетганлиги ва белгиланган иш ҳажмининг бажарилишини ҳамда мазкур объектни ишга туширишмуддатини чўзиб юборганлиги учун касаба союз ташкилоти билан келишган ҳолда комплекс бригада бошлиғи Қобул Долимовни йил якунига кўра оладиган ўн учинчи маошидан маҳрум этишга ва икки ой мобайнида кам ҳақ тўланадиган ишга ўтказишга қарор қилдик.

Мана шу колхозда 140 ўринли болалар боғчасини чала ҳолда қабул комиссиясига тақдим этганлиги, объектнинг ишга туширилиш муддати ўн беш кун орқага сурилишига сабабчи бўлганлиги учун прораб Ғани Алматовни лавозимидан пасайтирдик. «Хасково» совхозида 12 минг бош товуққа мўлжаллаб барпо этилган паррандахонада корпуслардан биттасининг пойдеворига бетон қуйишда лойиҳа талаблари ва нормаларини кўр-кўрона қўпол равишда бузганлиги учун эса мана шу объектнинг прораби Ҳиз Аниевни ишдан четлаштирдик. Пойдеворни бузиб қайтадан қуйишга тўғри келди.

Бир сўз билан айтганда зиммамизга юкланган вазифа—қишлоқ аҳолисига замонавий талабларга жавоб берадиган объектларни қуриб бериш топшириғини муваффақиятли бажариш учун мавжуд резервлардан тўла фойдаланмоқдамиз. Гарчанд йил қўйилган камчиликлар ҳам оз бўлмаса-да, уларни зудлик билан ўзимиз аниқлаганлигимиз ва бартараф этганлигимизнинг ўзи лабзи ҳалол бунёдкорларимиз камчиликларга муросасиз эканликларини ва бундан кейин бор куч ва имкониятларини беш йиллик топшириқларини сўзсиз бажарилишига сафарбар этажакларини исботлаб турипти.

Суҳбатни «Узколхозстрой» матбуот марказининг мухбири А. ЗОКИРОВ олиб борди.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ XVI ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

ТЮМЕНЬ ГАЗЧИЛАРИ УЧУН

ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

Узоқ Тюмень ўлкасидаги газчилар қаҳратон совуқда ҳам, кучли шамол эсиб турган кезларда ҳам газ қувурлари ётқизишни бир дақиқа тўхтатмайдилар. Айни пайтда улар Ангрен шаҳри меҳнаткашлари уларга кўрсатаётган ёрдамни ҳам унутмасликлари киши қалбида илиқлик уйғотади.

— Ангренликларга минг раҳмат! Олтин қўлли усталар етказиб бераётган маҳсулот жонимизга оро киряпти. — Шимол газчилари Ангрендаги «Подземгаз» станцияси меҳнаткашларини ана шундай эслашади.

Ҳамма гап шундаки, ангренликлар узоқ шимол ўлкаларига кўплаб технологик қурилмалар етказиб бера бошлашди. Жумладан, «БТПГ-6-75» маркали блоклар қурувчиларга айниқса қўл келмоқда. Кўринишдан унчалик мураккаб бўлмаган бу тўрт метрли қурилма жаҳондаги энг йирик газ магистрали — Уренгой — Помари — Ужгород қурилишида қўлланила бошланди.

— Маълумки, қазиб олинаётган газ магистрал қувурга юқори босим остида етказиб берилади,— дейди «Подземгаз» корхонаси ишлаб чиқариш-техника бўлимининг бошлиғи Олег Тян. — Биз етказиб бераётган блоклар газларни автоматик тарзда илитиб берадиган «ПТА-1» қурилмаси билан автоматик режимда «ҳамкорликда» ишлайди. «ПТА—1» қурилмаси ҳам «Подземгаз» станциясида тайёрланиши қувончли ҳолдир. Ана шу маҳсулот ўзининг қизиқ тарихига эга.

Ўз пайтида Америка империалистлари Уренгой — Помари — Ужгород газ қувури қурилишининг бир маромда давом этишига таъсир кўрсатиш мақсадида объектга технологик қурилмалар етказиб беришни тўхтатиб қўйдилар. Ғарб мамлакатлари шу тариқа мамлакатимиз капиталистик мамлакатларсиз бу ишни ниҳоясига етказа олмаслигини «исботламоқчи» эдилар. Ҳақсиз. Бу хона иситгич қурилмаси бўлиб, исталган ёнилғида ишлайверади. Яна шуниси диққатга сазоворки, бу маҳсулот чиқиндилардан тайёрланади. Аввалларн ишдан чиққан газ баллонлари металломга топширилар эди. «Узгазтехника» Тошкент бюросининг конструкторлари ана шу баллонлардан иситгич қурилмасини тайёрлаш лойиҳасини ишлаб чиқдилар. «Подземгаз» ишчи-хизматчилари эса кўп ўтмай бу маҳсулотни ишлаб чиқара бошладилар. Бу иситгичнинг шуҳрати тобора ортмоқда. Яқинда у Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида намойиш қилинди. Ўзбекбирлашув правлениесининг ўзигина бир йўла 15 минг дона иситгичга буюртма берди. Тюмень, Ёқутистон ўлкаларида газчилари ва нефтчиларига ҳам юзлаб газ плиталари жўнатилди.

— Шу кунларда коллективимиз ишчи-хизматчилари турар-жой биноларини иситадиган ва уларга иссиқ сув етказиб берадиган аппаратлар яратиш устида ишлямоқдалар,— дейди О. Тян. — Улар ҳам тез орада аҳолига етказиб берилишига ва уларга манзур бўлиб қолишига шак-шубҳа йўқ.

Бу янги маҳсулотларнинг қўллаб тайёрланаётганлиги, аҳолига манзур бўлаётганлиги қувончли албатта. Лекин станциясидаги бу маҳсулотларнинг кўпчилиги иссиққа чидамли, қийин эрийдиган металлардан, пўлатлардан тайёрланади. Шу жиҳатдан уларга механик ишлов бериш, кавшарлаш жуда қийин кўчади. Бу қимматбаҳо маҳсулотларни бракка чиқариш эса мутлақо мумкин эмас. Шунинг учун бундай ишлар малакали ишчиларга ишонib топширилади. Токарлардан А. Раҳмонов, Р. Жўраев, В. Борисенко, И. Гаер, А. Анохинлар ана шундай қўли гул усталардандир. Улар пайвандчи А. Қорабоев, А. Карасёв, А. Шульцлар билан ҳамкорликда барча маҳсулотларни юқори сифат билан тайёрлашга эришмоқдалар. Пайвандланган ҳар бир металлнинг чоки рентген нурлари ёрдамида текшириб кўрилади. Бунинг сабаби микроскоп илғайдиган даражада ҳам нормадан чекиниш мумкин эмас. Ана шуни ҳисобга олганда кавшарловчиларнинг меҳнати қанчалик мураккаб эканлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Қорабоев, Карасёв, Шульцлар эса бу вазифани кутилгандан ҳам аълороқ қилиб уддалашяпти.

— Бу маҳсулотларимиз узоқ ўлкаларда аҳолига газчилари ва нефтчиларига ҳам юзлаб газ плиталари жўнатилди.

— Шу кунларда коллективимиз ишчи-хизматчилари турар-жой биноларини иситадиган ва уларга иссиқ сув етказиб берадиган аппаратлар яратиш устида ишлямоқдалар,— дейди О. Тян. — Улар ҳам тез орада аҳолига етказиб берилишига ва уларга манзур бўлиб қолишига шак-шубҳа йўқ.

Бу янги маҳсулотларнинг қўллаб тайёрланаётганлиги, аҳолига манзур бўлаётганлиги қувончли албатта. Лекин станциясидаги бу маҳсулотларнинг кўпчилиги иссиққа чидамли, қийин эрийдиган металлардан, пўлатлардан тайёрланади. Шу жиҳатдан уларга механик ишлов бериш, кавшарлаш жуда қийин кўчади. Бу қимматбаҳо маҳсулотларни бракка чиқариш эса мутлақо мумкин эмас. Шунинг учун бундай ишлар малакали ишчиларга ишонib топширилади. Токарлардан А. Раҳмонов, Р. Жўраев, В. Борисенко, И. Гаер, А. Анохинлар ана шундай қўли гул усталардандир. Улар пайвандчи А. Қорабоев, А. Карасёв, А. Шульцлар билан ҳамкорликда барча маҳсулотларни юқори сифат билан тайёрлашга эришмоқдалар. Пайвандланган ҳар бир металлнинг чоки рентген нурлари ёрдамида текшириб кўрилади. Бунинг сабаби микроскоп илғайдиган даражада ҳам нормадан чекиниш мумкин эмас. Ана шуни ҳисобга олганда кавшарловчиларнинг меҳнати қанчалик мураккаб эканлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Қорабоев, Карасёв, Шульцлар эса бу вазифани кутилгандан ҳам аълороқ қилиб уддалашяпти.

— Бу маҳсулотларимиз узоқ ўлкаларда аҳолига

Б. АКСАНИЧ,
инженер.

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«ПАРПИ ОТА» МУҚАДДАС ЭМАС»

БИР МАҚОЛАГА УЧИНЧИ ЖАВОБ

Газетанинг 1 август сонида юқоридаги сарлавҳа билан босилган мақолага Олмалиқ шаҳар партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ М. М. Мирқосимовдан жавоб олинди.

Жавобда «Парпи ота» муқаддас эмас» мақоласи шаҳар партия комитетида муҳокама қилинганлиги айтилади. Мазкур жойда шаҳар партия комитетининг, маъмурий органларнинг вакиллари бир неча марта бўлишган. Чоршанба кунлари бу жойни «зиёрат» қилиш учун келаётганлар билан суҳбатлар ўтказилмоқда.

Бошланғич партия ташкилотлари ва маҳаллий комитетлари зиммасига аҳоли орасида атеистик пропаганда янада кучайтириш вазифаси юклатилган.

Мазкур мақола шаҳар автобус-таксомотор парки коллективи иштирокида ҳам муҳокама қилинган. Паркка дахлдор бўлган нуқсонларни бартараф этиш тадбирлари белгиланган.

БИР МАВЗУДА ИККИНЧИ МАРТА

ҚАБРИСТОНЛАР ҲАМОН ҚАРОВСИЗ

«ТОШКЕНТ ҳақиқати» газетасининг шу йил 29 апрель сонида эълон қилинган «Қабристонлар қаровсиз қолмасин» сарлавҳали мақолада долзарб мавзу кўтарилган эди. Оққўрғонлик ўқитувчи Т. Мирзааҳмедов қатор қишлоқ қабристонларининг қаровсизлиги ҳақида мулоҳаза юритиб, конкрет мисоллар келтирган эди. Жумладан, Оққўрғон районидаги «Партия XXII съезди», Вотинцев номли колхозларнинг правлениелари ва Аччи қишлоқ Совети ўз территорияларидаги қабристонларни харобага айлантириб қўйганликлари алоҳида кўрсатилганди. Ушбу мақолада кўтарилган масалалар район партия ва совет ташкилотларининг эътиборини жалб қилар, деган умидда эдик. Афсуски бундай бўлмади. Мана орадан беш ой ўтди. Лекин на район партия комитети, на район ижроия комитети бу мақолага муносабатларини билдиришмади. Матбуотда билдирган танқидий мулоҳазаларга бунчалик бефарқ қарашни қандай баҳолаш мумкин?

Газетхонлар эса жойларда қабристонларни ободонлаштириш юзасидан тадбирлар амалга оширилишини кутишмоқда. Мақола эълон қилингандан бери ўтган вақт ичида ҳеч қандай ўзгариш бўлмади. Тилга олинган қабристонлар ҳамон қаровсизлигича ётибди. Бу эса район аҳолисининг норозилигига сабаб бўлмоқда. Улар такрорий равишда редакцияга мурожаат қилмоқдалар. Масалан, газетхонлар Алимкент мозоридаги камчиликлар ҳамон тугатилмаганлиги ҳақида ёзиб юборишган, фотосуратларни ҳам илова қилишган.

Меҳнаткашлар томонидан билдирилаётган таклиф, мулоҳаза ва танқидий фикрлар наҳотки район раҳбарлари учун аҳамиятсиз бўлса!

ТОКАРНИНГ МАҲОРАТИ

ЧИРЧИҚ трансформатор заводининг токари Г. Мурзин йил бошида меҳнат унумдорлигини бир процент ошириш мажбуриятини олган эди. У ана шу мажбуриятига яна бир ярим процент қўшди.

Пешқадам токарь бирданига икки станокда айни бир вақтда тўртта деталга ишлов беради. У ўз шогирдлари К. Жонузоқов, С. Абдулфитаев, П. Григорьевлар билан ўз тажрибасини бажонидил баҳам кўрмоқда.

Коммунист Г. Мурзин — бир беш йилликда ўн йиллик топшириқни бажариш мажбуриятини қабул қилган республика саноат корхоналари илғорлари эзгу ишининг ташаббускорларидан биридир. Ҳозир у 1987 йилнинг сўнгги кунлари ҳисобига ишламоқда.

(ЎзТАГ мухбири).

ТЎҚҚИЗ МИНГ ТОННАГА ЕТАДИ

ПАХТАКОРЛАР учун энг масъулиятли дамлар етиб келди. Чунки шу кунларда ҳосил тақдири ҳал бўляпти. Далаларда мўлжалдаги ҳосилни етиштириш учун бутун агротехник тадбирларни муддатида ўтказилди. Совхозимиз деҳқонлари ана шундай иш тутмоқдалар. Биринчидан, ҳосилга-ҳосил қўшаётган ғўзалар парвариши уюшқоқлик билан давом эттирилди. Шу билан биргаликда «оқ олтин» йиғим-теримига ҳам қизғин тайёргарлик кўрилди.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик юбилейи нишонланадиган йилда 2 минг гектар ерда пахта етиштирган миришкорларимиз совхоз тарихида энг юқори натижага эришиш ниятидалар. Албатта, орзунинг ўзи билан муваффақиятга эришиб бўлмайди. Бунинг учун фидокорона меҳнат қилиш керак. Хўжалигимизнинг 1-, 2- ва 5-бўлимларида иш айниқса яхши ташкил этилган. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мария Ковалева бошчилик қилаётган бригада азаматлари мусобақада пешқадамлик қилишяпти. Улар бу йил ҳар гектар ердан 50 центнердан «оқ олтин» етиштириш ташаббуси билан чиқишган. Мария Ковалеванинг шогирди ВЛКСМ XIX съезди делегати Ўрозгул Букированинг бригадасида амалга оширилаётган ишлар ҳам кишини қувонтиради. Деҳқончилик учун ноқулай бўлган ерларда меҳнат қилаётган ёшларимиз илғарилари бор-йўғи 20—23 центнердан «оқ олтин» олинган майдонлардан 35 центнерга етказиб «оқ олтин» олмоқдалар. Бу илғорларнинг ортидан бораётган Ўринбой Алиёров, Султонбой Усмонов ва Даврон бек Аминов сингари ўртоқлар бошчилик қилаётган бригадаларнинг коллективлари ҳам ҳосилдорликни гектар ҳисобига 40—45 центнерга етказишга аҳд қилишди.

Ўзбекистон Компартиясининг Марказий Комитетининг XVI пленуми пахтакорларимизни янада масъулият билан ишлашга даъват этмоқда. Пленум материаллари билан ўз вақтида танишиб чиққан деҳқонларимиз ҳали ишимизда жуда кўп камчиликлар борлигини тан олишди. Совхозимизда бўлиб ўтган йиғилишда ташкил этишда бир мунча ўзгартишлар киритдик. Биринчи навбатда мусобақанинг янги ва таъсирчан формалари ишлаб чиқилди.

МУТАХАССИС МИНБАРИ

Юқорида айтганимдек, сўзнинг ўзи билан мўлжалдаги натижага эришиб бўлмайди. Совхозимизнинг пахтакорлари йил бошиданоқ юқори натижаларни кўзлаб иш олиб бордилар. Чигит экишдан тортиб ҳозиргача ҳамма агротехник тадбирлар ўз муддатида ўтказишга эришилди. Энг муҳими ҳар гектар ерда ўртача 110—115 минг тупдан кўчат сақлаб қолинди. Уларда ўртача 12—14 тадан бўлиқ кўсак бор. Эндиги асосий мақсад тўпланган ҳосилни ўз вақтида йиғиб териб олишдан иборат.

Бу йил далаларимизда мўл ҳосил етиштирилганлигининг яна бир манбаси бор. Совхозимизда ишни мунистлар пахтачиликни ривожлантириш юзасидан жуда кўп қимматли таклифлар киритдилар. Сифат комиссияси аъзолари дала ишларини ёмон ташкил этган Абдулла Умаров, Жуманазар Сарибоев, Жаббор Пейсенов сингари бригада бошлиқларини қаттиқ танқид қилдилар. Йиғилишда давлатга фақат юқори сифатли «оқ олтин» етказиб бериш юзасидан конкрет тадбирлар белгиланди.

Мутахассисларимиз далаларни айланиб, дефолиацияни энг қулай муддатларда ўтказиш учун график тузиб чиқдилар. Биз бу тадбирни асосан тақсимлаштирилган усулда амалга оширмоқдамиз. Бундан ташқари дефолиация асосан «ОВХ-14» агрегатлари ёрдамида бажарилмоқда. Бу хўжалигимизга ҳар томонлама фойдалидир.

Совхозимизда йиғим-теримга ҳам пухта тайёргарлик кўрилди. Ремонтчи слесарларимиз 56 та пахта териш машинасини мавсумга тахт қилиб қўйишган. Бундан ташқари, 8 та кўрак териш, 15 та кўрак чувиш ва 260 та прицеп ҳам тайёрлик чизиғига келтирилган. Бу йил терим ипатоволикларнинг илғор усулида ташкил этилади. Шу мақсадда терим-транспорт отрядлари тузиб чиқилди. Отрядларга тажрибали, кўпни кўрган мутахассислар бошлиқ этиб тайинланди. Ҳар бир отрядга биттадан кўчма устахона ажратилди. Бу устахона составида механик, ремонтчи слесарь, электрик, пайвандчидан иборат бригада бўлиб, улар машина-механизмларга далада ўзида хизмат кўрсатишади.

Ҳақиқатан ҳам йилимиз қутлуғ йил. Унга муносиб тўёна билан бориш ниятидамиз. Белгилаган маррамиз ҳам шунга яраша. Она Ватанга 9 минг тонна «оқ олтин» етказиб берамиз. Бунинг 7700 тоннаси биринчи сортга сотилади.

Ў. НОРҚУЗИЕВ,
Бўка районидаги «Бўка» совхози бош агрономи.

УЗУМ НАВЛАРИ КЎПАЯДИ

КЕЧА Тошкентда В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик академияси, ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими Р. Шредер номли боғдорчилик, узумчилик, виночилик бўйича илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Я. Потапенко номли Бутунроссия узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти олимлари ҳамкорлигида «Узумнинг винобоп ҳамда кишмиш навлари ҳосилдорлигини ошириш йўллари» мавзуидаги Бутуниттифоқ кенгаши иш бошлади.

Кенгашда ВАСХНИЛ мухбир-аъзоси, қишлоқ хўжалик фанлари доктори, боғдорчилик, узумчилик ва виночилик бўйича илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг Бош директори М. Мирзаев доклад қилди.

Озиқ-овқат программасида белгиланган йирик тадбирларни амалга оширишга қаратилган анжуманда Украина, Молдавия, Арманистон, шунингдек Ўрта Осиё республикалари тадқиқотчилари ва соҳибкорлари қўшимча докладлар билан чиқишди.

Музокараларда кенгаш иштирокчилари ўз республикаларида узумчиликни ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида гапириб бердилар.

Тўрт кун давом этадиган бу кенгашда узумчиликни илм-фан ютуқлари асосида ривожлантириш, соҳибкорликнинг келгуси истиқболи билан боғлиқ муаммолар ҳақида ҳам фикр юритилади. Боғдорчилик бўйича тажриба базаларига экскурсиялар уюштирилади.

С. ҲАСАНОВ.

ГЕКТАРИДАН 210 ЦЕНТНЕРДАН

1983—1984 йил чорва қишловини муваффақиятли ўтказиб, махсулоот етиштириш ва давлатга етишин кўпайтиргانлиги учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғолиб чиққан коллективлар орасида Пискент районидаги Свердлов номли колхоз ҳам бор. Колхоз чорвадорлари юксак мукофотга жавобан юбилей йилида ҳам фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Хўжаликда ўтган ярим йил муваффақиятли якунланди. Гўшт, сут етиштириш анча кўпайтирилди. Ҳар бош соғин сигирдан бу давр ичида ўртача 2333 килограммдан сут соғиб олинди. Суратда: ферма мудири (чапдан) Абдурасул Умиров илғор сут соғувчилар Шонра Анорқулова, Мавжуда Мамедова ва Марҳабо Холовалар билан ўзаро суҳбатлашмоқда.

Г. Пун фотоси. (ЎзТАГ).

КОММУНИСТИК районидаги «Правда» колхозининг 12-бригадаси дала шийпони шу куни ҳар доимгидан гавжум эди. Бригада етакчиси Туймақул Ниёзбоев йиғилганларга шу кунлардаги энг муҳим вазифалар ҳақида гапирмоқда.

— Очиғини айтишим керак, — деди бригадир, — бу йил яхши ишлаяпмиз. 75 гектар ердаги пахтанинг ҳосили кўнгилдагидек. 90 гектар майдонни эгаллаган канопзорнинг гектаридан ўртача 210 центнердан ҳирмон кўтаряпмиз. Лекин бу ҳали ҳаммаси эмас, ишимиздаги ҳозирги суръат бизни қаноатлантирмайди. Чунки каноп ўримини тезроқ якунлашимиз, машина теримига пухта тайёргарлик кўрган ҳолда киришишимиз керак. Ана шундагина даладаги ҳосилни тўла йиғиштириб олишга эришамиз. Акс ҳолда баҳор ва ёз бўйи қилинган меҳнатлар зое кетиши мумкин.

Бригадир бу ишларни жадаллаштириш юзасидан қимматли маслаҳатлар берди. Ишга ҳар томонлама жонланиш сезилди. Бригада пешқадамлар сафида тилга олиниб, мусобақада бир неча бор ғолиб чиқди. Эндиликда юбилей шарафига гектаридан 45 центнердан «оқ олтин» етиштириш ниятида тер тўкишяпти. Коллектив етакчиси, механизаторлар сардори Турсимат Турон-қуловни алоҳида ҳурмат билан тилга олди. Ўн беш йилдан буён механизаторлик қилиб келаётган бу азамат ғўза қатор ораларига ишлов беришни ғоят сифатли ўтказдилар.

Бригада сувчилари ҳам ҳақиқий фидокорлар. Серик Коллектив аъзолари янада ғайрат билан ўз иш жойларига йўл олдилар.

1984 йилда хўжаликнинг Туймақул Ниёзбоев бошчилигидаги бу бригадасида жиддий ўзгаришлар юз берди. Ишда ҳар томонлама жонланиш сезилди. Бригада пешқадамлар сафида тилга олиниб, мусобақада бир неча бор ғолиб чиқди. Эндиликда юбилей шарафига гектаридан 45 центнердан «оқ олтин» етиштириш ниятида тер тўкишяпти. Коллектив етакчиси, механизаторлар сардори Турсимат Турон-қуловни алоҳида ҳурмат билан тилга олди. Ўн беш йилдан буён механизаторлик қилиб келаётган бу азамат боеб, Тоғай Режетов, Абдураҳим Бекабоевлар экиларга уч марта сув беришди. Сейдин Асанбоева, Абиба Қўйчимонова, Райҳон Қуролова, Эътибор Отабоева сингари коллектив аъзолари эса ҳар туп ғўзани меҳр билан парвариш қилдилар. Ҳозир далаларда кўсаклар бодроқдек очилмоқда. Бу илғорларнинг меҳнати туфайлидир. Бригада деҳқонлари ҳосил ўрим-йиғимини бошлаб юборишди. Ҳозирча каноп пояси йиғиштириб олинмоқда. Натижа мўлжалдагидан юқори бўляпти. Демак, пахтадан ҳам белгиланган маррадан ўтиб кетилади.

Ф. МУҲИДДИНОВ.

ЎЗБЕКИСТОН БИБЛИОГРАФИЯСИНИНГ ТАҲЛИЛИ

«ФАН» нашриётида яқинда чоп этилган Тошкент Давлат маданият институтининг доценти М. Туроповнинг **«Ўзбекистонда библиография ишининг ривожланиши»** монографиясида ўрта аср давридан шу кунгача мавжуд бўлган ўзбек библиографик қўлланмаларининг тараққиёт босқичлари характерли фактлар орқали таҳлил қилинади. Монография бир неча бобларга бўлинганлиги ва улар чуқур таҳлил қилиб ёзилганлиги, бой манбаларга асосланганлиги билан эътиборга сазовордир.

Муаллиф китобнинг «Ўзбекистонда революциягача ва совет ҳокимиятининг биринчи йилларида библиография иши» бобида IX—XV асрларда яшаб, ижод қилган буюк алломалар Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Алишер Навоий, шунингдек, Ибн Абдуллаҳад Ёқут, Ибн Мажбур ас-Сомоний кабиларнинг ўлмас асарларидаги библиографик манбалар, кутубхоналарда қўлланилган турли жадваллар тўғрисидаги қизиқарли маълумотларни келтиради. Уларга мисол қилиб Абу Райҳон Берунийнинг йирик илмий асарлари билан бир қаторда қимматбаҳо библиографик солномалар яратганини кўрсатади. Унинг 1035—1036 йилларда яратган «Библиография» асари эрон файласуфи ва табиатшуноси Абу Бакир Муҳаммад Закариё Розийга бағишланган бўлиб, унда Розийнинг 184 ишидан ташқари Берунийнинг 113 номдаги асарларининг рўйхати ҳам берилганлиги илмий асослар орқали тасдиқлаб берилган.

Биз учун яна бир муҳим библиографик манба А. Навоийнинг машҳур «Мажолис ун-нафоис» асари ҳисобланади. Маълумки, бу асарда 490 дан ортиқ Ўрта Осиёлик ёзувчи ва шоирларнинг фаолияти ҳақида ноёб маълумотлар берилган. Автор бу асарнинг библиографик луғат сифатида қимматли ёдгорлик ва библиографлар учун зарур манба эканлигини таъкидлайди.

М. Туропов Ўрта Осиёнинг Россияга қўшилган даврида кейин юзага келган ва ишлаб чиқариш кучларини ўрганишда катта роль ўйнаган муҳим библиографик қўлланма ҳисобланган «Туркистон тўплами» ҳақида ҳам батафсил тўхтаб ўтадики, бу фақатгина мутахассисларгагина эмас, кўп сонли китобхонлар учун ҳам қизиқарлидир.

Муаллифнинг ютуқларидан яна бири шундаки, Ўрта Осиё тарихини ўрганишда катта ўрин эгалловчи «Осиё библиографияси» ҳақидаги маълумотларни биринчи бор кенг тарзда анализ қилишидир. Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон тўғрисида рус ва чет тилларда нашр қилинган адабиётларни мукаммал қамраб олган бу кўрсаткич келажак авлод учун мамлакатимиз тарихини ўрганишда ғоят муҳим маълумот сифатида сақланаётгани ва ҳозирги кунларда ҳам бу асардан кенг фойдаланилаётганлиги ҳикоя қилинади.

Тадқиқотчи библиографик қўлланмаларни хронологик тарзда кўрсатиш билан бир қаторда тузилган библиографияларнинг ўз замонаси учун ғоят муҳим эканлигини «Ўзбекистон ССР ташкил қилинганидан сўнг библиография ишининг ривожланиши» бобида атрофлича таҳлил қилади. У асосий эътиборни В. И. Ленин томонидан кутубхона ва библиография иши ҳақида чиқарилган қатор декретларни республикамизда жорий қилишишга қаратади. Бу борада муаллиф Ўзбекистон ССР китоб палатасининг ташкил қилиниши (1926 йил) ва унинг маҳаллий нашрларнинг ҳисобга регистрация библиографиясини олиб боришдаги ролини кенг ёритади. Палатанинг илк нашри «Китоб солномасининг рус, ўзбек, тожик, уйғур, қозоқ ва татар тилларидаги нашрларига, босма асарларнинг ретроспектив ва кундалик библиографияларини тузишдаги фаолиятига кенг ўрин беради.

Монографияда Ўзбекистон ССР Давлат кутубхонаси библиографлари олиб борган ишлардан «Ўзбек санъати (театр, музика, кино) матбуот саҳифаларида» номли библиографик қўлланмага 1900—1936 йиллар мобайнида ўзбек санъати ёритилган китоб, журнал ва газета манбалари киритилган бўлиб, ўзбек миллий санъатини ўрганишда хизмат қилаётгани таъкидланади. Библиографияда 2259 номдаги турли манбалар берилиб, улар театр, музика, кино ва ҳаваскорлик санъати рубрикалари остида келтирилган. Унда барча асарларга рус тилида кенгайтирилган аннотациялар берилган.

Булардан ташқари, китобда адабиёт ва санъат бўйича тузилган талай кўрсаткичларга ҳам кенг ўрин берилган. Масалан, маданият масалаларини ўрганишда катта қизиқиш уйғотган «Ўзбекистон маданияти ва санъати масалалари бўйича адабиётлар кўрсаткичи учун материаллар» қўлланмасида 1914-1931 йиллар мобайнида вақтли нашрларда эълон қилинган адабиётлар акс эттирилган. Шунингдек, унда «Фольклор», «Матбуот», «Тилшунослик» бўлимлари ҳам мавжуд.

Монографиядан жой олган «Урушдан кейинги ва ривожланган социализм даврида Ўзбекистонда библиографиянинг роли» деб номланган охирги бобда М. Туропов библиография ишининг республика экономикаси ва маданиятининг ривожланишида тутган ўрнини тўла очиб беришга ҳаракат қилган.

Партия ва совет ташкилотлари, илмий ходимлар ва мутахассисларнинг республикамиз ҳақидаги кундалик адабиётларга бўлган талабларнинг ошганлигини ҳисобга олиб А. Навоий номли Ўзбекистон ССР Давлат кутубхонаси умумий библиографик кўрсаткич- йилнома —«Ўзбекистон»ни чиқара бошлади. Унга Ўзбекистон ССР ва ҚҚАССРга бағишланган барча турдаги ва типдаги нашрлар киритилган. Кўрсаткич — йилнома 1958 йилдан буён рус тилида, 1961 йилдан бошлаб эса ўзбек тилида нашр қилинмоқда.

Монографияда Ленинномa мавзусига кенг ўрин берилган бўлиб, унда «В. И. Ленин — ўзбек бадиий адабиётида», «В. И. Ленин», «В. И. Ленин—Ўзбекистон матбуотида» каби библиографиялар таҳлил қилинган. Бу эса асар қимматини оширган. Москвада чоп этилган «Узбекская литература» кўрсаткичида инқилобгача бўлган даврда яшаб, ижод қилган ёзувчилар ва ўзбек совет адибларининг рус тилида чиққан асарлари қамраб олинган. Унга Навоий, Лутфий, Муқимий, Фурқат, Аваз Ўтар ўғли каби ва Э. Жуманбулбул, Ислом шоир, Ойбек А. Қаххор каби кўпгина ёзувчи ва шоирлар киритилган. Бу биринчи ўзбек библиографик тавсия-қўлланмаси ҳисобланади.

Мутахассислар учун яна бир қимматли материал — китоб охиридаги 160 га яқин Ўрта Осиё ва Ўзбекистон ҳақидаги муҳим библиографик қўлланмаларнинг хронологик рўйхатидир. Тадқиқотчи томонидан синчковлик билан тўпланган ушбу рўйхат кейинги даврдагига нисбатан мукаммал рўйхат ҳисобланади.

Мазкур рисола кутубхонашунослик факультети студентлари, маданий-оқартув техникумларининг ўқитувчи ва ўқувчилари ҳамда республикамиздаги кўп сонли кутубхона ходимлари учун, жумладан, библиографик қўлланмалар тузувчиларга мўлжалланган бўлиб, ундан кенг китобхонлар ҳам фойдаланиши мумкин.

Бу соҳада илк бор яратилган мазкур асар айрим нуқсонлардан ҳам холи эмас. Хусусан, кўп ҳолларда библиографик тасвирлар бир хилда эмас. Айрим бобларда қайтариқлар учрайди. Тарихий манбаларга кўпроқ ўрин берилган. Кейинги йилларда яратилган қатор библиографик қўлланмалар таҳлили назардан четда қолган. Ўйлаймизки, муаллиф бу камчиликларни монографиянинг кейинги нашрида бартараф этишга ҳаракат қилади.

Б. КАРИМОВ,
педагогика фанлари кандидати, доцент.

ТАҚРИЗ

СОВЕТ ЭЛ АХБОРОТИ

◆ Революцион Никарагуа мураккаб ва хавфли вазиятда яшамоқда. Мамлакат халқи контрреволюцион агрессия туфайли рўй бераётган катта қийинчиликларни енгиб, фидокорона меҳнат қиляпти. Суратда: Манагуадаги тўқимачилик фабрикасининг цехида. Корхона ишчиси ушлаб турган газмолда сандиночи халқ армияси олқишланган сўзлар ёзилган.

Г. Надеждин фотоси. ТАСС фотохроникаси.

СОВЕТ ТАКЛИФЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМОҚДАЛАР

ДАМАШҚ, 10 сентябрь. (ТАСС). Саудия Арабистони Компартияси ўз баёнотида Совет Иттифоқининг Яқин Шарқ можаросини бартараф этиш ҳақидаги таклифларини қўллаб-қувватлади. Компартиянинг бу ерда тарқатилган баёнотида бундай дейилган: Совет Иттифоқининг янги ташаббуси Яқин Шарқ можаросини бартараф қилишнинг энг мақбул йўлидир. Бу ташаббус регионда кенг кўламда мустаҳкам ва адолатли тинчлик ўрнатишга йўл очади, бутун жаҳонда тинчликка таҳдид қилаётган кескинликнинг хатарли манбаини тугатишга ёрдам беради. Совет таклифларида Фаластин араб халқининг даҳлсиз ҳуқуқлари таъкидлаб ўтилади, Исроил босиб олган араб территорияларининг ҳаммасини сўзсиз озод қилиш зарур эканлиги уқтирилади.

Баёнотда яна бундай дейилган: империализм ва реакция кучлари региондаги мустақил халқларга, тараққиёт ва миллий озодлик кучларига қарши ўз кирдикорларини ғоят кучайтирган бир пайтда Совет Иттифоқи янги ташаббус кўрсатди. АҚШ, НАТО ва уларнинг маҳаллий гумашталари ана шундай хатарли йўлни ўтказаётганлигини Қизил денгиз районидаги воқеалар тасдиқлади. Америка империализми ифвогарлик мақсадида шундай воқеаларни уюштирди. Америка ва НАТО ҳарбийларининг бу райондаги хатти-ҳаракатлари уларнинг Ҳинд океанида, Қизил денгизда ва Форс кўрфазида ўз ҳарбий кучларини кўпайтиришга интилаётганлигини намойиш қилди. Саудия Арабистони Компартияси АҚШ ва иттифоқчиларининг аралашувдан иборат янги мустамлакачилик сиёсатини қатъиян қоралайди ва уларнинг узоққа мўлжалланган режалари, жумладан региондаги тараққийпарвар давлатларни, аввало Яман Халқ Демократик Республикаси ва Социалистик Эфиопияни хавф остида қолдираётганлигини таъкидлайди. Шу муносабат билан Компартия региондаги барча ватанпарвар ва тинчликсевар кучларни ўз сафларини жипслаштириб, халқаро реакциянинг озодлик, демократия ва социал тараққиётга қарши қаратилган фитналарига нисбатан ғоят хўшёр бўлишга чақиради.

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

◆ УЛАН-БАТОР. Монголия далаларида ғалла ўримйиғими тобора кучайтирилмоқда. Марказий ва Селенген аймоқларидаги хўжаликларда ҳозирдаёқ минглаб гектар ерлардаги буғдой ўриб олинди. Мамлакатнинг бошқа районларида ҳосил учун қураш кенгайиб бормоқда. Бу йилги ҳосил ўрим-йиғимида қатнашмоқ учун Совет Украинасидан 100 нафар энг яхши комбайнчи қардош Монголияга келди. Улар донли экинларни йиғиштириб олишда монгол ҳамкасбларига ёрдам берадилар, ўрим-транспорт звеноларини ташкил қилишда ўз тажрибаларини ўртоқлашадилар. Бунинг учун давлат хўжаликларида ва қишлоқ хўжалик бирлашмаларида қишлоқ хўжалик машинамеханизмларини созловчи 99 нафар совет мутахассиси ишламоқда. Бу эса 2,5 мингта комбайнни ўрим-йиғимга қисқа муддатда тайёрлаш имконини берди.

◆ РИМ. Италия Коммунистик партиясидан Италия парламентининг депутатлари Чили хунтасининг сиёсатини қатъиян қоралаб чиқдилар. Депутатлар мамлакат ҳукумати номига йўллаган талабномада ҳозирги вақтда Пиночет фашист тўдаси Чилидаги демократик кучларга қарши жабр-зулмни кучайтирганлиги таъкидланади.

Парламент аъзолари БМТ бош Ассамблеясининг навбатдаги сессиясида Чилидаги қонли жабр-зулмлар тўғрисидаги масалани кўтариб чиқишни Италия ҳукуматидан талаб қилдилар. Улар халқ манфаатларига зид режимни халқаро майдонда яккалаб қўйиш зарурлигини ҳам кўрсатиб ўтдилар.

◆ ДАМАШҚ. Сионист маъмурлар Исроилнинг туб жой араб аҳолисига нисбатан ўтказаётган жабр-зулмни давом эттирмоқда. САНА ахборот агентлигининг хабар қилишича, полициячилар «хавфсизлик режимини бузмоқдалар» деган сохта важ билан Шаффа Омар шаҳрида қурбон ҳайити муносабати билан ўтказилаётган тантаналарни барбод этганлар. Араблардан анча киши қамоққа олинган. Исроилнинг араблар яшайдиган районларида жойлашган аҳоли пунктларига солдатлар билан кучайтирилган полициянинг қўшимча бўлинмалари киритилди.

◆ М. ЧАГУА. Сандиночи қуролли кучлар август ойида марказий разведка бошқармаси Никарагуага юборган сомосачи каллакесарларга қарши 80 мартадан кўпроқ жанг қилдилар. Республика мудофаа министрлигида бўлиб ўтган матбуот конференциясида жанглар давомида 140 га яқин контрреволюционер яксон этилганлиги эълон қилинди.

Сандиночилар революциясининг душманлари, деб таъкидланди матбуот конференциясида, шу вақт ичида деҳқонларнинг посёлкаларига 17 марта бандитларча ҳужум қилганлар, ўн мартадан кўпроқ террорчилик ҳаракатларини амалга оширганлар. Контрреволюцион гуруҳлар Нуэва-Сеговия департаментидаги Килали йирик аҳоли пункти, Мадрис департаментидаги Сан-Хуан-Дель-рео-Коко ва Тельпанека аҳоли пунктлари яқинида тўпланишга уриниб кўрдилар, бироқ улар шу районларда жойлашиб олишга муваффақ бўла олмадилар. Сомосачи ёлланган газандалардан кейинги икки ой ичида 700 дан кўпроқ киши ўлдирилди ва жароҳатлантирилди.

◆ ДОР-УС-САЛОМ. Бурунди республикаси Африка жанубидаги миллий озодлик ҳаракатлари ва халқларини қатъиян ёқлаб чиқмоқда, уларнинг ўз ҳуқуқлари учун, Претория ирқчи режимига қарши одилона курашида сиёсий, иқтисодий ва маънавий мадад беришга тайёр дир, деди мамлакат ташқи ишлар ва ҳамкорлик министри Лоран Нзеймана.

У Бурунди пойтахтида апартеидга қарши курашувчи комитет тузишга бағишланган тантанали йиғилишда нутқ сўзлаб, республика ЖАР да жинсятчи апартеид системасига қарши ўтказилаётган халқаро кампанияда фаол қатнашади, деб таъкидлади. (ТАСС).

◆ Исроил босиб олган араб ерларида ўрнашиб олмоқда. Олинган хабарларга кўра Иордан дарёси ғарбий соҳилидаги йирик шаҳарлардан бири — Ал-Халилда еврей квартали қурилиши бошланган. Унга Тель-Румейда номи берилган. Сионистлар шаҳар марказида 2500 га яқин кишини жойлаштиришни режаламоқдалар. Суратда: Исроил босқинчиси Ал-Халилда қурилаётган еврей кварталлари олдида.

ЮПИ — ТАСС телефотоси.

НАВБАТДАГИ ЎЧ ОЛИШ

ПАНАМА. (ТАСС). Гватемаладан олинган хабарларга қараганда, ўта ўнг террорчи гуруҳлар мамлакат ғарбида яна ўч олишни уюштирдилар. Қуролланган бир неча газанда автобусни тўхтатиб, ундаги 14 деҳқонни отиб ташладилар.

Ана шу террорчи гуруҳларнинг аъзолари Гватемаладаги ҳукмрон америкапараст режимнинг мустабид аппаратига мансуб шахслардир. Улар ўтказаётган қирғин ва қувғин қилиш сиёсати озодлик ҳаракатини бостириш ва халқ оммасини чўчитиш мақсадини кўзлайди. Гватемала маъмурларининг ўзлари эътироф этишларича, мамлакатнинг ғарбий районларидагина 20 мингдан кўп етим-есир бор. Уларнинг отаоналари ўлдирилган ёки бедарак йўқолган.

Пойтахтимиз Тошкент шаҳри йилдан-йилга гўзаллашиб бормоқда. Суратда: Б. Хмельницкий кўчасидаги янги турар-жой комплексини кўриб турибсиз.

М. Нурриддинов фотоси.

СҮЗ—ФЕСТИВАЛЬ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

САНЪАТИМИЗ СИЗГА, ДЎСТЛАР!

Зия БАҒИРОВ,

Озарбайжон ССР Давлат хизмат кўрсатган ашула ва рақс ансамблининг бош хормейстери ва дирижёри, республикада хизмат кўрсатган артист

— ЎЗБЕК ва озарбайжон санъаткорларининг ижодий ҳамкорлиги йилдан-йилга мустаҳкамланиб ва кенгайиб бормоқда. Коллективимиз охирги марта 1980 йилда Ўзбекистонда ўтказилган Озарбайжон ССР адабиёти ва санъати кунларида иштирок этган эди. Мана, республикангизнинг шонли 60 йиллик юбилейи арафасида биз тағин ўзбек тупроғидамиз: «Тошкентнинг олтин кузи» Бутуниттифоқ санъати фестивалида иштирок этяпмиз. Айтишим керакки, бу фестивалга санъаткорларимиз катта программа билан келишди. Унда озарбайжон халқининг ашула ва рақслари билан бирга ўзбекча номерларимиз ҳам бор. Айниқса, улар орасидаги хор ижро этадиган «Ўйнанг, ёр ўйнанг» қўшиғи ўзбек томошабинларига муносиб туҳфа бўлади деб ўйлайман.

Кўп йиллардан буён Озарбайжон санъаткорлари «Баҳор» ва «Шодлик» ансамбларининг бадиий коллективлари билан ижодий алоқа қилиб келмоқдалар. Озарбайжон ССР халқ артисти Амина Дилбозий ва бошқа таниқли балетмейстерлар дўстларимиз учун бир неча озарбайжонча рақсларни саҳналаштиришга яқиндан ёрдам берганликларини эслаб ўтишнинг ўзи кифоя. Айни пайтда, ўзбек санъаткорлари ҳам ана шундай рақсларнинг яратилишига ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Биз ўзбек совет музикаси, қўшиқчилик ва рақс санъатида қўлга киритилаётган ҳар бир муваффақиятни кўриб ютуғимиздан фахрланган ҳолда, бошимиз осмонга етади. Шу боисдан ҳам биз Ўзбекистоннинг қайси бир шаҳри ва районида бўлмайлик,- ўзимизни эски дўстларимизнинг хонадонларидай эркин ва бахтиёр ҳис этамиз, уларга энг дилбар куй, қўшиқ ва рақсларимизни туҳфа қиламиз.

ИЛК УЧРАШУВЛАР

Валентина ГАЕВАЯ,

Белоруссия ССР «Хорошки» фольклор-хореография ансамблининг бадиий раҳбари ва бош балетмейстери, республикада хизмат кўрсатган артист

— «ТОШКЕНТНИНГ олтин кузи» Бутуниттифоқ санъат фестивалида илк бор иштирок этаётганимиздан беҳад мамнунмиз. Бу бизнинг фақат Ўзбекистонгагина эмас, балки Ўрта Осиё тупроғига биринчи марта қадам қўйишимиз. Шу сабабдан ҳам бу ижодий сафарга жуда пухта тайёргарлик кўрдик. Репертуаримиздаги энг яхши куй, қўшиқ ва рақсларимизни танлаб олдик.

Бадиий коллективимизда жами 50 киши бўлиб, ансамблимиз, ўн йилдан буён Белоруссия халқ санъатини тарғиб этиб келмоқда. Санъаткорларимиз . Бутуниттифоқ миқёсидаги кўпгина анжуманларда ҳам фаол иштирок этиб келмоқдалар. Ҳатто санъатимиздан бир қанча хорижий мамлакатларнинг томошабинлари ҳам баҳраманд бўлганлар.

Куни кеча биз «Тошкентнинг олтин кузи» фестивалининг тантанали очилишида махсус тайёрланган концерт номерларимиз билан иштирок этдик. Уларни санъат ихлосмандлари яхши кутиб олишганидан беҳад хурсандмиз. Энди ансамблимиз Фарғона водийси бўйлаб сафарга чиқади. У ерда ўз санъатимизни намойиш этиш билан бирга, ўзбек халқининг ўзига хос урф-одатлари, турмуш тарзи, маданияти, азамат пахтакорларнинг меҳнати билан яқиндан танишамиз Сўнгра сафаримиз Қозоғистон ва Қирғизистон бўйлаб давом этади. Ўйлайманки,. «Тошкентнинг олтин кузи» Бутуниттифоқ санъат фестивали ҳаётимизда унутилмас таассурот қолдиради.

БАЛЕРИНА ҲАҚИДА ҲИКОЯ

Ўзбекистон кинематографиячиларининг «Бир умрга тенг рақс» деб аталган янги ҳужжатли-бадиий лентаси Галия Измайлованинг ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳикоя қилади. Томошабинлар биринчи ўзбек балеринасигина эмас, шу билан бирга СССР халқ артисти Г. Измайлованинг ёш шогирдлари билан ҳам танишадилар. Фильм кадрларида машҳур балерина О. Лепешинская, озарбайжон композитори А. Меликов, совет санъатининг кўпгина таниқли устолари акс эттирилган. Ўзбек балеринаси билан ана шу санъаткорлар ўртасидаги ижодий дўстлик Галия Измайлованинг ўз истеъдоди қирраларига янада жило беришига кўмаклашди.

(ЎзТАГ).

ФАН ВА МАДАНИЯТ ХАБАРЛАРИ

ГИЛАМЛАР МУЗЕЙДАН ЖОЙ ОЛАДИ

Республикамиз юбилейи тантаналари нишонланадиган кунлар яқинлашган сари байрамга тараддуд якунловчи босқичга кирмоқда. Ўзбекистонлик санъаткорлар, ўзларининг турли соҳаларда қўлга киритган ютуқларини намойиш қилишга ҳозирлик кўряптилар.

Шу мақсадда Ленин проспекти ва Карл Маркс кўчаси кесишган жойда, Ленин номли республика пионерлар саройининг эски биносида халқ амалий санъати музейи ташкил қилинмоқда. «Правда Востока» кўчасидаги «Шарқ» меҳмонхонаси биносида эса ўзбек гиламлари ва палослари, Халқлар дўстлиги майдонидаги Абдулқосим шайх мадрасасида эса заргарларимиз ишлаган ноёб буюмлар намойиш қилинади. Шунингдек, бу ерда муҳофазага олинган тарих ва маданий ёдгорликлар ҳақида ҳужжатлар, рангли фотолардан иборат стендлар экспозицияларга қўйилади.

Янги маданият ўчоқларида республика маданият министрлигининг таъмирловчилари, тарих ва маданий ёдгорликларни сақлаш Бош бошқармаси усталари бадиий безаш ишларини олиб боряптилар.

Республикамизнинг 60 йиллик тўйи тантана қилинадиган кунларда бу маданият масканлари томошабинларни таклиф этади.

О. АПУХТИН.

●

ИҚЛИМИМИЗГА МОСЛАШТИРИЛДИ

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ботаника боғига йил бошида 30 чет давлатдан 2 минг турдаги ўсимлик кўчатлари ва уруғлари келтирилган эди.

Ботаника боғи олимлари турли лабораторияларда уларни бизнинг иқлимга мослаштириш учун кўплаб тажрибалар ўтказдилар. Улардан дастлабкилари ўзининг ижобий самарасини берди. Ноёб дарахт — магнолиянинг бир неча тури тажриба майдонида яхши усиб, иқлимимизга мослашмоқда.

Газания ва титтония — ўт ўсимликлари эса боғ ва хиёбонлар, катта проспектлар, майдонларни ўзининг кўм-кўклиги, бир текис ўсиши билан янада кўркам кўрсатади. У Австралиядан келтирилди. Олимлар бу ўт ўсимликлар Ўзбекистон шароитига мослаша олишини ўз тажрибаларида исботлаб бердилар. Энди бу ноёб, беозор кўкатлардан Тошкентни кўкаламзор боғ-роғларга айлантиришда самарали фойдаланилади.

Ю.ЧЕРНОГАЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ҚАРДОШ АДАБИЁТЛАР БАЙРАМИ

СССР ЁЗУВЧИЛАР союзи шу кунларда ўзининг ярим асрлик юбилейини тантанали нишонламоқда. СССР Ёзувчилар союзининг ташкилий—I съездида совет адабиётининг асосчиси Максим Горький бир иттифоққа бирлашган, партиямиз тевараги-га жипслашган кўп миллатли совет адабиёти вакилларига катта ишонч билдирган. рус ва қардош адабиётларнинг келажак равнақига қаттиқ ишонган эди.

Шундан бери эллик йил ўтди. Умумсовет адабиёти Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг доимий ғамхўрлигида беқиёс тараққиёт йўлини босиб ўтди. Энди совет адабиёти кўпмиллатли совет халқининг доимий маслаҳатгўйига айланиб қолди. У Инсоннинг шодлик ва фароғатини, қайғу ва заҳматини халқчил, рўй-рост, бадиий ифодаларда кўрсатиб бераётир. Совет Иттифоқининг ҳамма қардош республикаларида яшаб, ижод этаётган ёзувчилар фаолияти бунга яққол мисол бўла олади.

СССР Ёзувчилар союзининг эллик йиллик юбилейи республикамизда ҳам кенг нишонланмоқда. Шу қутлуғ сана муносабати билан Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи бир қатор тадбирлар белгилади. Бу тадбирлар орасида қардош Ўрта Осиё республикалари: Қозоғистон, Тожикистон, Туркманистон ва Қирғизистонга ўзбек ёзувчиларнинг сафарлари, шунингдек, ушбу қардош республикалар ёзувчиларининг республикамизга меҳмон бўлиб келишларидир.

Таниқли шоир ва ёзувчиларимизнинг Тошкент шаҳри ва ҳамма областларда ўтадиган учрашувлари ҳам шу санага бағишланади. Республика радио ва телевидениеси орқали ёзувчиларнинг чиқишлари ҳам ташкил қилинмоқда.

Маълумки, Улуғ Ватан урушида фашист босқинчилари устидан қозонилган ғалабанинг 40 йиллигига ҳамма жойда қизғин тайёргарлик кетмоқда. Шу муносабат билан Ҳамид Олимжон номидаги Адабиётчилар уйида Улуғ Ватан уруши қатнашчилари бўлган ёзувчилар билан учрашув ўтказилди. Бу тадбирлар қардош адабиётлар кунларига уланади.

Москва ва қардош республикалардан келган таниқли ёзувчи ва шоирлар ўлкамизда азиз меҳмон бўладилар. Улар пойтахтимиздаги улуғ доҳиймиз В. И. Ленин ҳайкали пойига ва Номаълум солдат қабрига гулчамбарлар қўядилар, В. И. Ленин музейининг Тошкент филиалини томоша қиладилар, халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси залларини айланадилар, театр томошаларини кўрадилар.

Ўзбекистон Ёзувчилар союзида қардош адабиётлар вакиллари тантанали қабул қилинади. Ёзувчилар газета ва журнал ходимлари, нашриёт муҳаррирлари билан қизғин суҳбатлар ўтказдилар. Интернационал дўстлик кечалари Тошкент трактор заводида. Тошкент тўқимачилик комбинатида, В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетида, Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида, Тошкент темирйўлчилар саройида бўлиб ўтади. Қардошлик, биродарлик, ҳамдўстлик, тинчлик ва бахт-саодат мавзуларида шеър ва қўшиқлар жаранглайди.

Сўнгра қардош қирғизистонлик меҳмонлар Самарқанд ва Бухорога, Туркманистондан келган ёзувчилар Хоразм ва Қорақалпоқ воҳасига, тожикистонлик биродарларимиз Фарғона водийсига, Қозоғистондан келган қардошлар Сирдарё, Жиззах ва Навоий областларига сафарга чиқадилар. Жойлардаги дўстлик учрашувлар ва адабий кечаларда қатнашадилар. Областларимиз бўйлаб сафардан қайтган меҳмонлари Дўрмондаги ёзувчиларнинг ижодий уйи давра суҳбатига чорлайди. Унда қардош ёзувчилар билан ўзбек ёзувчилари вакилларининг самимий дўстона суҳбатлари бўлади.

В. И. Ленин номидаги СССР халқлари дўстлиги саройида СССР Ёзувчилар союзи ва Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг 50 йиллигига бағишлаб катта адабий кеча уюштирилади. Унда рус шеърияти ва ундан қардош тилларга қилинган таржималар янграйди.

Областимизнинг Тошкент районидаги Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи оталигидаги «Ленин йўли» колхозига сафар эса ёзувчиларнинг колхозчи деҳқонлар билан дўстлигига бағишланади.

Сўнгра республика Киночилар уйида Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг ушбу санага бағишланган тантанали пленуми очилади.

Аминмизки, қардош ўлкалардан келган ёзувчилар билан қизғин мулоқотлар, жойлардаги учрашувлар, самимий давра суҳбатлари Совет Иттифоқи халқларининг дўстлик ва ҳамжиҳатлигини оширади, ижодкорларни янги-янги ижодий муваффақиятларга чорлайди.

Жарасқан АБДИРАШЕВ,

(Қозоғистон).

ДЕҲҚОН

Ажрамайди бир,
қарич ҳам,
Шу ердадир куну тун.
Сахий дала маконидир.
Оқлар унинг умидин.

Қам билиб кўп
заҳматини
Экнилари чўзар бўй.
Ҳар кўрганда деҳқон
кўнглин
Яшартади ширин ўй.
Кузда таом ўтмас
ундан
Мўл ҳосилни теради.
Она-Ватан омборига
Зўр бойликлар беради.
Деҳқончилик улуғ
ҳунар,
Бу ҳаммага аёндир...
Қўлга олсанг нонни
агар,
Эслаб қўйгин деҳқонни!

Қозоқчадан Р. ҒАНИЕВ таржимаси.

Дунё ташвишларин
Кўп кўрган онам.
Йўқ жаҳонда онадан
Қимматли одам.
Эртаю — кеч куйманиб
Тинмай юради.
Ҳаммадан кейин ётиб,
Эрта туради.
Ювиб-тараб бизларга
Чой ва сут берар.
Мактаб, боғчага ҳар кун
Кузатиб қўяр.
Экиб-тикиб, пиширган,
Онамдир аслн.
Сигирга емиш солар
Ўтми ё хасмя.

Қаюм ТАНГРИҚУЛОВ,

(Туркманистон)

ОНА

Ручка, дафтар йўқотсак,
Топиб беради.
Қўшнилардан ҳол-аҳвол
Сўраб туради.
Мактабдан сал
кечиксак,
Кутар бетоқат.
Гуноҳ қилсак уришар,
Эмас бешафқат.

Узоқ йиллар соғ
бўлсин
Меҳрибон онам.
Йўқ жаҳонда онадан
Қимматли одам.

Қамбар ЎТАЕВ таржимаси.

ТЕМИРИЎЛЧИЛАРГА БАҒИШЛАНДИ

БИРИНЧИ ЎИИН ДУРАНГ

Шахмат тожи учун Анатолий Карпов билан Гарри Каспаров ўртасидаги биринчи ўйин 36-юришда дуранг натижа билан тугади. Бугун иккинчи учрашув ўтказилади. Даъвогар оқ доналар билан ўйнайди.

Кеча Волгоградда аёллар ўртасида чемпионлик учун мусобақа бошланди. Қуръага кўра биринчи партияда Ирина Левитина оқ доналар билан ўйнади.

ПЕШҚАДАМ ҒАЛАБАСИ

Мамлакат футбол чемпионатида битта ўйин бўлди. Ленинграднинг «Зенит» футболчилари ўз майдонларида Ростов-Дон армиячиларини қабул қилиб, 2:1 ҳисобида ғалабага эришдилар ва 34 очко билан яна якка пешқадам бўлиб олдилар.

ЎҚУВЧИЛАР СПАРТАКИАДАСИДА

Республикамиз спорт базаларида ўқувчиларнинг Бутуниттифоқ спартакиадаси давом этмоқда. Кеча сув полоси, бадиий ва спорт гимнастикаси, эшкак эшиш, қўл тўпи, теннис, қиличбозлик, футбол ҳамда шахмат мусобақаларига старт берилди.

Ўзбекистон ватерполчилари Молдавия командасини кескин курашда 11:10 ҳисобида енгишди. Қўл тўпи беллашувларида республикамиз вакиллари молдавиялик тенгқурларига бир очко фарқ билан 30:31 ҳисобида учрашувни бой беришди.

Ўзбекистон бадиий гимнастикачилари командаси бешинчи ўринни эгаллади. Кеча шахсий биринчилик мусобақалари бошланди.

«МЕҲНАТ РЕЗЕРВЛАРИ» —ЧЕМПИОН

Волейбол бўйича республика чемпионати ниҳоясига етди. Финалда етти команда қатнашди. Тошкентнинг «Меҳнат резервлари» волейболчилари барча учрашувларда ғолиб келиб, Ўзбекистон чемпиони бўлишди. Охирги ўринда қолган Навоийнинг «Меҳнат» коллективи иккинчи группага тушди. Унинг ўрнига Бухоронинг «Ёш куч» командаси кучлилар даврасида қатнашадиган бўлди.

Редактор Н. НАСИМОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент область шаҳарларида 21 сентябрь соат 19.00 да

«ЕВРОПА ТАРИХИ»

бадиий фильмининг

БУТУНИТТИФОҚ ПРЕМЬЕРАСИ БЎЛАДИ

Сценарий автори — Н. Леонов — И. Гостев иштирокида.

Режиссёр — И. ГОСТЕВ.

Ролларда — В. ТИХОНОВ, Б. ТИШКЕВИЧ, Л. ФИЛАТОВ, С. МИКУЛЬСКИЙ, В. СТРЖЕЛЬЧИК, Ю. БУДРАЙТИС, А. МАСЮЛИС, Т. АКУЛОВА ва бошқалар.

«Европа тарихи» фильмида халқларнинг капиталистик мамлакатлари ўнг кучларининг сайловолди кампаниялари чоғидаги хатарли найрангларини фош этувчи, тинчлик ва қуролсизланиш учун тобора кучайиб бораётган кураши ёрқин публицистик формада акс эттирилган.

«МОСФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИ МАҲСУЛОТИ.

«Европа тарихи» кинофильмининг Бутуниттифоқ премьераси Тошкент областининг қуйидаги шаҳар ва районларида бўлиб ўтади:

21—30 сентябрь — Чирчиқ шаҳри, «Навоий» кинотеатри.

21—23 сентябрь — Бекобод шаҳри, Металлурглар маданият саройи.

21—30 сентябрь — Ангрен шаҳри, «Ангрен» кинотеатри.

24 сентябрдан 3 октябргача — Бекобод шаҳри, «Октябрь» кинотеатри.

4—7 октябрь — Бекобод шаҳри, «Нодира» кинотеатри.

4—14 октябрь — Пискент райони, «ЎзССР 40 йиллиги» кинотеатри.

5—12 октябрь — Олмалиқ шаҳри, «Олмалиқ» кинотеатри.

13—15 октябрь — Оҳангарон шаҳри, «Восход» кинотеатри.

3—7 октябрь — Янгийўл шаҳри, «Победа» кинотеатри.

10—15 октябрь — Қибрай посёлкаси, «Союз» кинотеатри.



ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг

С. И. КАДИШЕВ НОМЛИ 166-АВИАЦИЯ ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1984-85 ўқув йили учун қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

учиш аппаратларини йиғувчи слесарь, механика-йиғув ишлари бўйича слесарь, слесарь-электромонтажчи, токарь, фрезерчи, (сонли программа билан бошқариладиган станокларнинг операторлари), слесарь-сантехник-газ пайвандчи.

Билим юртига Тошкент область ва Тошкент шаҳрида яшовчи 8—10 синф ҳажмида маълумотга эга бўлган йигит-қизлар қабул қилинади.

Ўрта маълумотлилар учун ўқиш муддати — 1 йил.

Билим юртини битирганларга ўрганган касби бўйича диплом берилади.

Ўқувчиларга ҳар ойда стипендия берилади.

8-синф ҳажмида маълумотлилар учун ўқиш муддати 3 йил.

Билим юртини тугатганларга ўрта маълумот тўғрисида ва эгаллаган касби тўғрисида диплом берилади.

Ўқиш даврида ўқувчилар ҳар куни 3 маҳал иссиқ овқат, кийим-бош ва ишлаб чиқариш практикаси даврида эса ишлаб топган меҳнат ҳақининг бир қисми билан таъминланадилар.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Бошқа шаҳарликлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Билим юртини тугатганлар В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига ишлаш учун юборилади.

Билим юртини имтиёзли диплом билан битирганлар олий ва ўрта махсус ўқув юртларига киришда имтиёзга эга бўладилар.

Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқишни давом эттирувчилар учун бирлашма қошида Тошкент Политехника институти кечки бўлими ва авиация техникуми (самолётсозлик факультети) мавжуд.

Билим юртида спорт секциялари ишлайди.

Ўқувчиларнинг дам олиши учун Чимён атрофида спорт соғломлаштириш лагери бор.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари шарт: билим юрти директори номига ёзилган ариза, маълумоти ва туғилганлиги тўғрисида ҳужжатлар, 286 формадаги медицина справкаси, турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, 8 дона 3х4 см, 4 дона 4х5 см. ҳажмдаги фотосуратлар, характеристика, таржиман ҳоли.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Ҳамза райони, Генерал Петров кўчаси, 331-уй (121, 30, 8-автобуслар-нинг «166-билим юрти», 3, 23-трамвайларнинг «Лисунов номли кинотеатр» бекатлари).

Орастахон ПОЧТАСИДАН

БИРИДА БОР, БИРИДА ЙЎҚ

Орастахон! Газета саҳифаларида шаҳримизни ободонлаштириш, кўча, маҳалла ва кварталлардаги саранжомсаришталик ҳамда тозаликни сақлашга, аҳил-иноқ, тинчгина йиғилиб қолган баъзи фикр-мулоҳазаларимни ҳавола қилмоқчиман.

Бундан беш йил илгари Акмал Икромов районидаги Зиё Саид ва Тўқимачи кўчаларининг автобус бекатларига соябонлар ўрнатилган эди. Йўловчилар ўзлари учун яратилган бу қулайликдан жуда мамнун бўлишди. Аммо бу иш бошландию, ниҳоясига етказилмасдан ўлда-жўлда қолиб кетди. Зиё Саид кўчасидаги «Боғча», «Штаб», «Поликлиника», «Почта», «Лабзак», Тўқимачи кўчасидаги «Чевар» бекатларининг фақат бир томонига соябон ўрнатилди. Йўлнинг иккинчи томонидаги бекатларда транспорт кутиб турган йўловчилар ёзда иссиқдан, қишда ёғин-сочиндан беҳад қийналмоқдалар. Ҳатто «Гули», «Почта», «Лабзак» бекатларининг бир томонида йўловчилар учун алоҳида жой ҳам ажратилмаган. Фақатгина бекатларнинг номлари ёзилган тахтача ёки темир парчаси дарахтга қоқиб қўйилган, холос. «Почта» бекатига ўрнатилган соябон юк машинаси уриб, қийшайтириб кетган ҳолича турибди. Бирорта бекатда тўрхалта ёки сумка илиб қўядиган илгакни кўрмайсиз. Зиё Саид ва Тўқимачи кўчаларидаги юқорида номлари қайд этиб ўтилган бекатлар қачонгача чала ётади? Балки бу саволга район ободонлаштириш бошқармасидаги жавобгар шахслар аниқ жавоб беришар?

Қ. ОБИДОВ.

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ
/ "Ташкентская правда"/
Орган Ташкентского обкома Коммунистической партии Узбекистана и областного совета народных депутатов

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000. Тошкент-П, ЛЕНИН кўчаси, 41

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748, масъул секретарь—334808, 325353, секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 325778, саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749, қишлоқ хўжалиги — 325647, пропаганда; совет қурилиши — 325645, фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553, адабиёт ва санъат — 325767, ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733, хатлар ва оммавий ишлар; фельетонлар — 334048, 325354. Фотомухбир — 325894.

Р. 12451. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. В. 1781. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12